Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Коррупцияга қарши 3

Тупроқ соғлом бўлса, инсон ҳам соғлом бўлади 6

«Мен тухматга қолдим» 7

«Орзуим – Европада ўйнаш» 8

O'zbekiston ovozi

№44-45
2019-yil, 4-iyun
Seshanba (32.535)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Тошкент вилояти сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Вилоятда 930 та сайёҳлик объекти, 10 минг 185 ўринли 155 та меҳмонхона ва дам олиш маскани мавжуд. Ўтган йили вилоятга 1 миллион 368 минг сайёҳ келган. Бу аввалги йилларга таққослаганда 3 баробар кўп.

ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

Нурафшон шаҳрида 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент вилояти фаоллари, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўзи бевосита жойларга бориб, раҳбарларни юбориб, энг долзарб масалалар ҳал қилинаётгани, ҳамма жойда ўзгариш бўлаётгани, лекин Тошкент вилояти «уйғонмаётгани»ни таъкидлади.

Вақт шиддат билан ўтяпти. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа ғанимат. Биз сиёсатни белгилаб, янги-янги имкониятлар яратяпмиз. Мутасаддилар қаттиқ талаб қилиб, қуйи тизимдаги раҳбарлар жон куйдириб ишлаб, натижани таъминлаши керак. Одамлар қуруқ гапни кўтармайди. Тошкент вилоятида эса жонланиш кузатилмаяпти. Қани рақобат, қани илм, қани натижа, қани ташаббус, дея мурожаат қилди Шавкат Мирзиёев йиғилиш иштирокчиларига.

Катта иқтисодий салоҳият мавжуд бўлатуриб, вилоятдаги резерв ва имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани, саноат соҳаси ҳанузгача бир нечта йирик корхона билан чекланиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Бўка, Пскент, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманларида саноат ривожи кўрсаткичлари пастлигича қолмоқда. Қуйи Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон, Пскент ва Бўка туманларида аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан 2-3 баробар кам.

Йиғилишда тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги, бандлик, ижтимоий шароитларга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президент Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Давоми 2-бетда. ▶

ЎзХДП Марказий Кенгашида

Навбатдан ташқари пленум

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этди.

Давоми 2-бетда. ▶

Ватан тупроғи

Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан олиб келинган юртдошларимга бағишлайман.

Бир юз эллик олти жон, тавбалар айтиб келди,
Ватанга қайтиб келди, Ватанга қайтиб келди...
Эй, чангал-ўрмонларда адашган дилбандларим –
Сизга боқиб япрокдай, титрар банду бандларим.
Қариндошу қондошу кўзимнинг гавҳарисиз,
Шу заминга битилган сизнинг сардафтарингиз.
Боқишингиз серҳадик, қарашингиз гирёнли,
Ай, дўстлар-ей! Дунёда адашмаган жон борми?!
Гуноҳлар тўлқин ювган излардай ўчирилди,
Кечирилди хатолар, ҳаммаси кечирилди.
Боласига меҳри чўғ, танти ўзбек эли бу,
Кўкси кўкдай бепоён, Элбошимиз феъли бу!
«Авф» деган қутлуғ сўз бор, ўзбекнинг лисонида,
Меҳру муҳаббат бисёр ушбу калом қонида.
Авф туфайли дилларда ёнган ҳайрат чироғи,
Темурбек Боязидга ҳурмат кўрсатган чоғи.
Байдахонни оналик тахтига кўргач лозим,
Мирзо Бобур қошида Ҳиндистон қилди таъзим.
Булар-ку, олис тарих, мозийдан олис садо,
Ва, лекин, бу сасларга не ҳикматлар маҳлиё.
Ҳаёт эса бешафқат, йўллар беҳад чигалдир,
Инсон умри азалдан нотўкис, нотугалдир.
Очун дейилмиш хилқат, гоҳ нур, гоҳ қуюн бўлган,
Ҳаттоки, Одам Ато шу қўлда ўйин бўлган.
Вақтнинг ҳар лаҳзаси чийлаб тирик жонларни,
Темирчи босқонидай тоблагай инсонларни.
Айбига бўлиб иқрор, хатосин англаганга,
Тупроғига бош қўйиб, ҳақ йўлни танлаганга;
Оппоқ тонгдек очиқдир, юртимизнинг эшиги,
Ўзбекистон, ҳур диёр — меҳру вафо бешиги.
Эй! Неча йил қафасда сарнигун бўлган қушлар,
Энди ҳурсиз! Энди йўқ, ваҳмкор қўрқув, тушлар.
Энди азиз тупроққа, сарфлаб бор кучингизни,
Меҳнатдан олинг барча аламу ўчингизни.
Буни икки ўт аро юрганлар ҳам билсинлар,
Қалбларга юрт туйғусин, байроқ қилиб илсинлар.
Келсинлар ўз қўрғони, муҳташам ўз боғига,
Ўз боғи – боғбонининг, кибриё ардоғига.
Бугун рўза-рамазон, эзгу-ҳислар нафлдир,
Ҳар тола сочингизга боғбонингиз кафилдир.
Бир орзу, бир мақсадга тикиб жону жаҳонни,
Чаманларга буркайлик она юрт — Онажонни!

Абдусаид КЎЧИМОВ

3.06 2019 йил

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик, маънавий соҳадаги туб ўзгаришлар замирида азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатлари мужассам.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини янада обод қилиш, янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни барпо этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан кўзланган ягона мақсад –халқимиз фаровонлигини юксалтириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

Мана шундай янгиланиш жараёнларида фаол иштирок этаётган фуқароларимиз билан бир қаторда, ҳаёт йўлларида адашиб, ҳозирги вақтда хатоларидан тўғри хулоса чиқарган юртдошларимизга мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшиш учун яна бир бор имконият бериш – жамиятимизнинг инсонпарварлик ва адолат тамойилларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандлари, ота-онаси, қавму қариндошларининг ҳам келажаги ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Озодликдан маҳрум бўлган киши азиз фарзандларини ўз меҳридан айириб, ота-оналарини ҳам айрилиқ доғига мубтало қилади.

Шу сабабли, хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечириш – юксак инсонпарварлик намунаси бўлиб, у яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани янгидан ҳаётга қайтариш билан баробардир.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида давлатимиз гуманистик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик ва меҳр-оқибат, кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг амалий тасдиғи сифатида **«Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига катъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармон**ни имзолади.

Мазкур инсонпарварлик акти – давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун ғамхўрлигининг ёрқин мисолидир.

Зеро, жиноятга қўл урган, боши деворга текканда сўнг адашганлигини тушуниб етган одамларни афв этиш – муқаддас динимизнинг ҳам асосий арконларидан бири саналади.

Фармонга мувофиқ, содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **575** нафар фуқаро афв этилди.

Уларнинг **361** нафари жазодан тўлиқ озод қилиниб, ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилади, шунингдек, **214** нафар шахснинг озодликдан маҳрум этиш жазо муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **7** нафарини **60** ёшдан ошган шахслар, **6** нафарини аёллар, **1** нафарини чет эл фуқароси ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Фармонда қайд этганидек, жиноят содир этган шахсларни фақат жазолаш эмас, балки **«Жаҳолатга қарши маърифат»** ғояси асосида қайта тарбиялаш, уларнинг ўз ҳалол меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Шунга кўра, Фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига кўмаклашиш юзасидан масъул вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 4 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 АҚШ доллари	8513,57	1 Қувайт динори	28007,01	1 Миср фунти	509,18
1 ЕВРО	9507,10	1 Малайзия рингити	2032,36	1 Австралия доллари	5906,71
1 Россия рубли	130,41	1 Хитой юани	1233,37	1 Туркия лираси	1458,50
1 Англия фунт стерлинги	10753,49	1 Сингапур доллари	6198,90	1 СДР	11728,46
1 Япония иенаси	78,64	1 Швейцария франки	8506,76	1 Канада доллари	6300,75
1 Жанубий Корея вони	7,17	1 БАА дирҳами	2318,01	1 Украина гривнаси	317,14

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИНСОН ҚАДРИ

ОНАЖОНИМНИНГ ОЗОДЛИККА ЧИҚИШИ

Президентимизнинг туғилган кунимга бебаҳо совғаси бўлди, — дейди наманганлик 8-синф ўқувчиси Мухтасар.

Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган жазони ижро этиш аёллар муассасаси ва манзил калонияда 31 май куни сайёр суд мажлислари ўтказилиб, 19 нафар аёл озодликка чиқарилди.

Жорий йилда учинчи марта бу муассасадаги аёлларнинг мурожаатлари судлар томонидан кўриб чиқилмоқда. Наврўз байрамидан икки кун олдин 17 нафар аёл жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинган эди.

2019 йил 19 апрелда эса маҳкума аёллардан 6 нафарининг мурожаатлари Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида назорат тартибида кўриб чиқилиб, улар содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлиги ҳамда жазонинг асосий қисмини ўтаганлиги ҳисобга олиниб, жазодан озод этилиб, оиласи бағрига қайтарилган эди.

Нурафшон мамлакатимизда шаҳарсозлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда.

ОДАМЛАР БУГУНИДАН МАМНУН БЎЛИБ, ЭРТАНГИ КУНИГА ИШОНЧ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК

2019-2020 йиллар учун умумий қиймати 39 триллион 833 миллиард сўмга тенг 784 инвестиция лойиҳасидан иборат янги ҳудудий дастур шакллантирилгани қайд этилди. Уларнинг 15 таси давлат аҳамиятига эга йирик лойиҳа бўлса, 769 таси хусусий бизнес ва инвесторлар иштирокида амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектларининг 17 фоизи ишламаётгани, Ангрен шаҳри ва Чиноз туманида бу кўрсаткич 30-33 фоизга чиқиб кетгани танқид қилинди. Уларнинг фаолиятини тиклаш, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларга «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида жорий йилда 350 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича топшириқ берилди. Талаб бўлса, яна қўшимча маблағ ажратилади.

Нима учун оилавий тадбиркорлик, уйларда паррандачилик, чорвачилик, томорқачилик бўлсин, деяпмиз? Одамларнинг даромади ошиши, тўлов қобилияти юқори бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари.

«Ангрен» эркин иқтисодий зонасида 470 гектар ва «Бўстонлиқ-фарм» зонасида 20 гектар майдон ҳанузгача лойиҳалар билан тўлдирилмаган. Шу сабабли «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси Жанубий Кореянинг «Инчон» эркин иқтисодий зонасига ишончли бошқарувга берилгани маълум қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, вилоят ҳокимининг инвестициялар бўйича ўринбосарига вилоятдаги 20-30 тадбиркорни танлаб, Корея Республикасига хизмат сафарини ташкил этиш вазифаси топширилди. Тадбиркорлар «Инчон» эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан бевосита танишади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятидаги ижтимоий ва коммунал соҳаларга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда аҳолининг атиги 64 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани жиддий муаммо. Бу – ҳисобот кўрсаткичи. Амалда бу рақам 40-50 фоиз. Бўка, Қуйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлари ва Нурафшон шаҳрида 30 фоизга ҳам бормайди. Шундай шароитда раҳбарлар қандай қилиб кабинетда хотиржам ўтиради, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу муаммони ҳал этиш мақсадида жорий йилда 440 километр ичимлик суви тармоқлари ва 301 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги 144 миллион долларлик ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Вилоятда долзарб бўлган яна бир муаммо экология билан боғлиқ. Тошкент шаҳридаги маиший чиқиндилар ташланадиган Оҳангарон туманидаги полигон 98 фоизга тўлган. Уни ёпиб, янгисини қуриш керак. Бу тозалик, аҳоли саломатлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга, деди давлатимиз раҳбари.

Ичимлик суви, оқова тизими объектлари билан бирга умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш, автомобиль йўллари билан боғлиқ муаммоларни тезкор ҳал қилиш бўйича топшириқлар берилди. Бунинг учун қўшимча равишда 1 триллион 100 миллиард сўм маблағ ажратилиши маълум қилинди.

Президентимиз Нурафшон шаҳрида бош режа асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Бу шаҳар 2017 йили Тошкент вилояти маъмурий марказига айлантирилиб, масъул идора ва ташкилотлар шу ерга кўчирилди, уларга зарур шарт-шароит яратилмоқда. Ўтган йили шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди.

Янги маъмурий марказда аҳоли учун барча шарт-шароитларни яратиш, инфратузилма ва коммуникацияларни янгилаш, пойтахтимизда бошланган бунёдкорлик жараёнини вилоят марказига ҳам кенг ёйиш мақсадида 246 гектар майдонда «Smart city» қуриш лойиҳалаштирилмоқда.

Тўлиқ ақлли технологияларга асосланадиган ушбу «ақлли шаҳарча» уч босқичда барпо этилади. Биринчи босқичда жами 1792 квартирали тўққиз ва ўн икки қаватли уйлар қурилади. Янгидан қад ростлайдиган Нурафшон университети ёшларнинг замонавий касб-ҳунар эгаллашига замин яратса, ёпиқ спорт мажмуасида бадиий гимнастика, теннис, кураш ва қиличбозлик каби спорт турлари бўйича йирик мусобақалар ўтказилади.

Шавкат Мирзиёев яқинда пойтахтимиздаги Чилонзор туманининг Боғистон кўчасида қурилаётган 9 қаватли уйлар билан танишиш чоғида бундай турар жойларни вилоят марказларида ҳам барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ушбу тавсия асосида Нурафшонда 21 та шундай уй қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Шунингдек, 360 ўринли боғча, 1 минг 200 ўринли мактаб, маданий-маиший объектлар, дам олиш ҳудудлари барпо этилади.

Нурафшон мамлакатимизда шаҳарсозлик бўйича янги тажриба майдони бўлмоқда. Бу ердаги шарт-шароит, ижтимоий соҳа объектлари Тошкентдагидан кам бўлмаслиги, аксинча, рақобатлашадиган бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ҳар бир лойиҳани пухта ишлаш, узоқни кўзлаб иш тутиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Нурафшонда канализация тармоғи умуман талабга жавоб бермас эди. Мавжуд тозалаш иншооти бутун шаҳарни қамраб ололмайди. Шу боис қурилиш давомида муҳандислик коммуникациялари бутунлай янгиланади.

Шаҳарнинг марказий Тошкент йўли кўчаси ҳам янгидан барпо этилмоқда. Кўча бўйидаги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, сервис шохобчалари, саломатлик марказлари, гипермаркетлар қурилиши бошланган. Ҳар бир бино олдида автомобиль тўхташ жойлари бўлиши кўзда тутилган.

Тўрт полосали магистрал автомобиль йўли билан бирга ички йўл ҳам қуриляпти. Велосипед ва пиёдалар йўлакчаларига жой ажратилган. Ирригация тармоқлари учун янги турдаги ёпиқ лотоклар ўрнатилиб, кўча бўйлари кўкаламзорлаштирилмоқда.

Тошкент йўли кўчасида тирбандликнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг кириш қисмидан «Smart city» марказига бораётган янги 4 километрлик кўча қурилиши режалаштирилган.

Айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш учун 100 гектарлик технопарк яратиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Президентга вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ҳам тақдим қилинди. Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида 2022 йилга бориб, вилоят аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 92 фоизга етказиш имконини берадиган ушбу лойиҳалар учун халқаро молия институтларининг маблағлари жалб этилади.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 50 гектар майдонда инновацион савдо мажмуаси қурилиши мўлжалланмоқда. Лойиҳа қиймати 50 миллион доллар бўлган мажмуада 5 мингта дўкон жойлашади, 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилади. 2021 йилда ишга тушириладиган мажмуада ноозиқ-овқат маҳсулотлари, маиший товарлар, қурилиш материаллари савдоси йўлга қўйилади.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти мамлакатимизнинг муҳим логистика маркази эканини, йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини қуришда ҳудуднинг шу имкониятини эътиборга олиш лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир лойиҳани сифатли ва ўз муддатида амалга ошириш юзасидан топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

ЎзХДП Марказий Кенгашида

Навбатдан ташқари пленум

Даставвал, Президентимизнинг Талабалар шаҳарчасида ўтказилган йиғилишдаги «Инновацион ғояларни илм-фан ва саноатга кенг татбиқ этиш — ислоҳотлар самарадорлигининг бош мезони» номли маърузасидан келиб чиқадиган, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар муҳокама этилди.

Давлатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш илғор илмий ишланмалар ва илмий-техникавий тараққиётнинг сўнгги ютуқларини амалиётга самарали жорий этиш билан бевосита боғлиқ. Шу маънода илм-фан мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг асосидир. Айниқса, барча соҳада янгиликларга интилиш ҳамда рақобат кучайиб бораётган бугунги давр иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаб бориш учун илғор илмий ишланмалар ва техникавий ютуқлардан самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан пленум аъзоларининг фикр-мулоҳазалари тингланди ҳамда тегишли таклифлар олинди. Улар асосида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилишига келишиб олинди.

Шунингдек, Пленумда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Бугунги кунгача **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси лавозимида ишлаб келаётган Ҳотамжон Кетмонов** бошқа ишга ўтганлиги боис, ўз хоҳишига кўра партия етакчилигидан озод этилишини сўраб пленум аъзоларига мурожаат этди ва унинг аризаси қаноатлантирилди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, жойлардаги партия вакилларининг таклифига асосан **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси вазифасига Улуғбек Иноятов** номзоди тавсия этилди. Пленум аъзолари бу таклифни бир овоздан қўллаб-қувватлади.

Улуғбек Иноятов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди.

Улуғбек Иноятов 1962 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий, педагогика фанлари доктори. 1985 йилда Тошкент политехника институтини, 1998 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Тошкент политехника институти ассистенти вазифасидан бошлаган. 1989-1993 йилларда мазкур институтда аспирантурада таҳсил олган.

1993-1999 йилларда Тошкент архитектура қурилиш институти иқтисодиёт факультети декани ўринбосари, декани, ўриндошлик асосида иқтисодиёт ва менежмент кафедраси доценти бўлиб фаолият юритган.

1999-2003 йилларда Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи директори вазифасида меҳнат қилган.

2003-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати Таълим ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича гуруҳининг бош консультанти лавозимида фаолият юритган.

2006-2011 йилларда Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи директори, 2011-2013 йилларда Тошкент давлат педагогика университети ректори, 2013-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири бўлган.

2018-2019 йилларда Наманган давлат университети ректори лавозимида меҳнат қилган.

2006 йил «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Оилали, икки нафар фарзанди бор.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

МУНОСАБАТ

ВАТАННИНГ МЕҲРИ

156 нафар она ва болани ҳаётга қайтарди



Козим БАЙЗАКОВ,
халқ депутатлари Ўрта Чирчиқ туман кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Яқин Шарқдаги қуролли можаролар ҳудудидан қайтариб келинган ватандошларимиз ҳикояларини эшитган одамнинг юраги-бағри эзилади.

Очиғи, ватандошларимизнинг самолётдан тушиш тасвирларини ҳаяжон билан кузатдим. Боласини кўтарган аёлларнинг она юрт тупроғига қадам қўйган чоғиёқ, унга таъзим қилиб, тупроғини кўзига суртишидан тўлқинландим. Кимдир фарзандини қидириб, кимдир турмуш ўртоғи ортидан уруш ўчоғига жонини хавфга қўйиб борган. Албатта, биз уларни бу хатти-ҳаракатини оқламоқчи эмасмиз. Аммо бошқа тарафдан қараганда, уларнинг барчаси ҳам ўз ихтиёрига кўра, ҳавасмандлигидан Сурияга йўл олмаган. Президентимиз Тошкент вилояти фаоллари билан ўтказилган йиғилишда «Меҳр» операциясига ҳам тўхталиб ўтиб, ушбу фуқаролар ҳаётини хавф остига қўйиб, мажбурлигидан кетганлигини эслатди. Ҳақли саволларни ўртага ташлади. Хўш, улар нима учун кетган? Ҳар ким турли сабабларни келтириши мумкин. Лекин у ерда нима бўлди? Хотин-қизларимиз инсонийлигини йўқотишига бир баҳя қолди.

Ҳар куни матбуот ва интернет сайтларини, хорижий телеканалларни кузатиб бораман. Шу боисдан жаҳонда қандай ўзгаришлар, хунрезликлар содир бўлаётганини яхши биламан. Билиш билан бирга таҳлил қилишга уринаман. Сурияндаги давомий уруш оқибатида бир авлод аросатда қолмоқда. Бу эса тикланишга муҳтож мамлакат келажаги учун катта зарар, жиддий йўқотишдир. Можаро бошланганда туғилган болалар ҳалигача тинчлик, болалик нималигини билмайди. Оиласи билан уруш-дан қочганлар ҳам можаро асоратлари билан юзлашмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, урушнинг кети кўринмаётгани сурияликларга жисмоний, руҳий ва маънавий шикаст етказмоқда. Айни кунда қарийб икки миллион бола таълим олишдан маҳрум, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлганлардан бир миллиони эса етарлича билим олмаяпти. Ҳар бир сурия-лик оиладан камида бир одам қуролли тўқнашувлар натижасида ҳалок бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган юртимизга қайтарилган оилалар билан суҳбатни ўқидим. Ундаги қуйидаги жумлалар ҳаёлимни ҳеч тарк этмаяпти. «Катта ўғлим илм олишга қизиққани учун қишлоқдаги мадрасага ўқишга қатнай бошлади. Лекин бир куни шу мадрасага бомба тушди. Ҳали ўн саккизга тўлмаган ойдек ўғлим шу фожиада парчапарча бўлди. Бўйи-бўйимдан баланд, орзулари бир дунё бўлган болажонимнинг тирноғини ҳам қайта кўрмадим». Фарзанд доғи онани то тирик экан ҳеч қачон тарк этмайди. Бу ҳақиқат. Бироқ аёлнинг бошига тушган бундай оғир савдо шу билан тугамади. 2018 йилга келиб, 16 ёшга қадам қўйган иккинчи ўғли Абдуҳолиқ нон топиб келиш илинжида кўчага чиқиб кетиб, уйга қайтмади. Унинг ҳаётида ҳам акасининг тақдири такрорланди. Боласидан умиди узилган онаизор қон дарёсидан унинг кийимидан бир парча қидирди, бироқ топа олмади...

Юртига қайтарилган 156 нафар аёллар ва болаларнинг тақдиридан хулоса қилиб, инсоннинг бахти, қайғуси ҳам Ватанида кечиши кераклигини англайсан. Тинч мамлакатда яшаётганингга шукрона келтирасан. Ҳақиқатан ҳам, инсон фақат киндик қони тўкилган юртида ўзини мағрур, хотиржам ва бахтиёр ҳис эта олади.

Хулоса ўрнида айтишим жоизки, мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан «Меҳр» инсонпарварлик амалиётининг ўтказилиши халқаро ҳамжамият томонидан мамлакатимизда олиб бораётган тинчликпарвар сиёсат, деб баҳоланиб, алоҳида эътироф этилмоқда. Ушбу гуманитар амалиёт инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатларга тўлиқ риоя этилган ҳолда амалга оширилди. Ўзбекистон фуқаролик паспортида муҳрланганидек, Ўзбекистон ўз фуқароларини қаерда бўлишидан қатъи назар ҳимоя қилади. Зеро, Бош Қомусимизда ҳам бу ҳақда шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди».

Хусан АБДУНИЯЗОВ,
халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Муборак Рамазон кунларида Яқин Шарқ ва Суриядан ўзбекистонлик 156 нафар аёл ва боланинг юртимизга қайтарилиши оламшумул воқеа бўлди.

Бундан бутун халқимиз ич-ичидан қувонди, жабр кўрган аёллар ва болаларнинг ватанимиз сарҳадига қўйган қадами-ю, оналарнинг ўз она ерига бош қўйиб, кўз ёш билан тавба-тазарру қилишлари, Аллоҳга шукроналар, Президентимизга эса раҳмат айтганларини ОАВда кўриб, ҳар бир инсоннинг кўнгли юмшаб кетган бўлса, ажаб эмас.

Бу, албатта, ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик, инсонпарварлик ва меҳр-оқибатдан далолатдир.

Ҳукуматимиз томонидан «Меҳр» амалиёти ўзбек халқига хос бўлган одамийликнинг энг олий намунаси бўлди. Беғубор фарзандини кўтариб интервью берган оналарнинг кўз ёш билан билдираётган миннатдорчиликлари, тўғриси, қалбимизни жунбушга келтириб юборди.

Қайтариб келинган ватандошларимиз Тошкент вилоятидаги «Бўстон» сиҳатгоҳига жойлаштирилиб, уларга табиий ва руҳий ёрдам кўрсатилмоқда. Кеча яна бир қувончли хабар эшитдик. У ердаги болаларга таълим, тарбия бериш учун педагоглар гуруҳи юборилибди. Қоронғу кунлар ортда қолди, энди болалар учун ёруғ ҳаёт бошланяпти. Давлат ва жамият ғамхўрлиги билан бу болалар етук инсонлар бўлиб етишишига, оналарига бахтли кунлар кўрсатишига, Ватанга содиқ хизмат қилишига ишонамиз.

Биз, депутатлар аҳоли билан учрашувларда бу хайрли ишнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришимиз, адашган кишиларнинг қисматидан сабоқ чиқаришга ундашимиз лозим, деб ўйлайман.

Бугун журналистлар учун ахборот майдони очиқ. У ахборотни одамларга холис, ҳаққоний етказиши керак.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИ ОШИРИШ

давлатнинг энг устувор вазифаси бўлиши лозим



Хайрулла РЎЗМЕТОВ, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил якунлари бўйича Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳукумат ҳисоботи Қонунчилик палатасининг йиғилишида кўриб чиқилди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, Давлат бюджетининг ижросида ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги тадбирларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 42 883,3 млрд. сўм ёки умумий харажатларнинг 53,8 фоизи миқдорида маблағ сарфлангани бевосита Ўзбекитон ХДПнинг электорати манфаатларига мос келади.

Шу билан бирга, 2018 йил давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг таҳлилларига кўра, ҳанузгача давлат бюджети соҳасидаги муносабатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарблигича қолмоқда. Бу орқали бюджет маблағларини мақсадли, самарали ишлатиш билан боғлиқ масалада сезиларли ижобий натижаларга эришилмаган.

Бюджет сиёсатининг йиллик натижаларини баҳолашда ялпи ички маҳсулотнинг қай даражада ошгани асосий омиллардан ҳисобланади. Бунда халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг Ўзбекистон натижаларига берилган ўрнига қараб хулоса чиқарилади.

ЯИМнинг ўзгариш тенденцияси Ҳукуматнинг йиллик ҳисобот тақдимотида нафақат рақам, балки графика кўринишида депутатларга намойиш қилиб борилиши мақсадга мувофиқдир. 2017 йил бўйича Халқаро валюта фондининг рўйхатига кўра Ўзбекистон ЯИМ (номинал) бўйича 147 ўринда бўлиб, аҳоли жон бошига 1490 долларни ташкил этган.

Таклиф этилаётган график кўринишда аҳоли даромадига кўра уч тоифага, яъни юқори, ўрта ва кам даромад олувчилар қатламига бўлиб кўрсатилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бунда ҳисобот йили даврида аҳоли даромадларининг ўзгарганлик ҳолати ўз аксини топиши керак. Шунингдек, йил якуни бўйича аҳоли даромадларининг тақсимланиш ҳолатини янада қулайроқ кўриш учун учала қатлам даромадларини алоҳида графикларда тақдим қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай ахборот-таҳлил жамиятда кескин табақаланиш юз бермоқдами ёки йўқ, деган саволга ҳам жавоб олиш имконини беради.

Алоҳида қайд этиш керакки, давлат бюджетининг йиллик бажарилиши бўйича Ҳукуматнинг фаолиятига баҳо берилишидаги энг асосий ва энг муҳим кўрсаткич — ЯИМнинг ўсганлик ҳолатидир. Шунга асосан парламент аъзолари мазкур масала атрофида жипслашиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Савол беришимиз керакки, нима учун Ўзбекистон бошқа бир қатор давлатлар каби ЯИМни изчил оширолмаяпти? Бунга тўсқинлик қилаётган омиллар қаерда? Уларни аниқлаб бартараф этишга қаратилган зарур чоралар кўрилиши керак. Ўзбекистоннинг билимли, меҳнаткаш халқи, ер ости бойликлари бор. Шунга кўра, аслида Ўзбекистон ЯИМ бўйича дунёнинг 192 та давлатлари орасида юқори ўринларни эгаллаши керак. Бу йўлдаги тўсқинликни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўриш — Парламент ва Ҳукуматни энг марказий масаласи бўлиши лозимдир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ

қандай ишлар режалаштирилганини биласизми?



Яқинда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Унда коррупцияга қарши ислоҳотларни кучайтириш, аниқ чора-тадбирлар жорий этиш масалалари қамраб олинган.

Хусусан, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ва ушбу йўналишдаги республика идороларо комиссиянинг янгиланган таркибини тасдиқлаш кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотлар икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, Идороларароро комиссия билан келишиши белгиланган.

Бундан ташқари, Идороларароро комиссия икки ой муддатда коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоравий дастурини Олий Мажлис палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига муҳокама қилиш ҳамда келишиш учун киритади.

Фармондан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссиялари ташкил этилади. Улар жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини ўрганади. Муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисидаги парламентдаги махсус қўмиталарга мунтазам равишда ахборот бериб боради. Шунингдек, соҳадаги фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Яна бир муҳим масала. Фармонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш қайд этилган. Давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа усулларининг аниқ рўйхати белгиланади. Бу эса давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан саналади.

Давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилади.

Айтиш керакки, ушбу тизим қўшни давлатларда аллақачон жорий этилган. Масалан, интернетдаги маълумотларга кўра, Қирғизистонда 2017 йилнинг охирида йўлга қўйилган. 2018 йилдан давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиб, солиқ идораларига тақдим этишни бошлаган. Манбаада айтилишича, ўтган йил якунлари бўйича 1,5 мингга яқин давлат хизматчиси декларация топширмаган, 4 мингдан зиёди эса нотўғри маълумот берган. Қирғизистон қонунчилигига кўра, даромадлар декларациясини топширмаган ёки нотўғри маълумот берган шахслар рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва жавобгарликка тортилади. Ўз хоҳиши билан декларация топширганларга эса солиқ камайтирилади. Бундан кўриниб турибдики, жорий этилаётган тизим мураккаб бўлиб, самарали, тўғри ишлаши учун вақт талаб этилади.

Президент фармонида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий усулларини жорий этиш белгиланган.

Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини таъминлаш, коррупцияга қарши чоралар тайёрлаш, ўтказиш ва ижросини мониторинг қилишда уларнинг иштирок этишини йўл қўйиш зарур.

Идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш ҳам устувор масалалардан саналади. Коррупцияга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ҳамда ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

Тажриба тариқасида жорий йилнинг 1 августидан бошлаб жамоатчилик вакиллари, маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилади. 2020 йил 1 апрелдан бу лойиҳа бошқа соҳаларда ҳам босқичма-босқич жорий этилиши белгиланган.

«Ўзбекистон овози» мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Пойтахтимиздаги «Ашхобод» сайлгоҳи ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Қўлида шар ва музқаймоқ тутган болажонларнинг кўзлари порламоқда.

«БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ»

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши шу шиор остида байрам тадбири ўтказди

Ёзнинг илк кунини барча интиқиб кутади. Истироҳат боғлари эса болаларнинг табассумлари билан гўёки мўъжизалар дунёсига айланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир ҳам пойтахт туманларидан келган ногиронлиги бўлган болалар, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига қувонч улашди.

ЎзХДП Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Мехрожиддин Дархонов сайлгоҳдагиларни халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан табриклади.

Шундан сўнг тадбирнинг бадиий қисми бошланди. Унда болажонлар учун байрамона дастур намойиш қилинди. Республика Қўғирчоқ театри жамоаси ижросида «Мақтанчоқ қуён», «Дангаса бола», «Китоб — яхшиликка етаклар» номли қизиқарли кўнгилочар саҳна кўринишлари тақдим этилди. Эл суйган эстрада хонандалари томонидан куйланган қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки ва байрамона кайфият улашди. Концерт дастури давомида болалар иштирокида ноанъанавий шоу ўтказилди. Яъни, кўй-кўшиққа қизиқадиган болаларга иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратилди.

— Бу тадбирда иштирок этиш учун қизим билан Юнусобод туманидан келдик, — деди **тадбир иштирокчиси Гавҳар Зияева.** — Қизим аслида эгизак фарзандларимдан бири. Улар Ҳасан ва Зуҳра. Кўп қаватли уйларда яшаймиз, уларни ҳар куни ҳам сайр қилдиришга имкон бўлмайди. Ўзбекистон ХДП вакиллари уйимизга бориб, байрамга таклиф этишганида болам жуда қувонди. Сайлгоҳга келиб кайфиятимиз кўтарилди. Қизимга қўғирчоқ театрининг саҳна чиқишлари, эстрада хонандаларининг куй-қўшиқлари манзур бўлди.

— Биласизми, аслида инсонга кўп нарса керак эмас, — деди **тадбир иштирокчиси Ойдин Абдуқодирова.** — Озгина эътибор ҳам одамни бахтиёр қилади. Тақдир тақозоси билан ўғлим Умиджон Ахроров ногирон ҳолда туғилди. Бошқа болаларни кўриб, кўнгли ўксимаслиги учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилиб келаман. Ўзбекистон ХДП томонидан ташкил этилган байрам тадбирига фарзандим каби ногиронлиги бўлган болалар таклиф этилиши муборак Рамазон кунларидаги савоб иш, деб биламан. Ўғлимни қувончи чексиз.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан болажонларга совғалар улашилди.

Жиззах вилоят партия кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Турли аттракционлардан бепул фойдаланиши учун болаларга йўлланмалар берилди.

Ҳудудларда байрам тадбирлари давом этмоқда.

Улуғбек РАҲМОНОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати раҳбари.

ХОЛИСЛИК, ҲАҚҚОНИЙЛИК, ҲАЛОЛЛИК

Бугунги ҳаётда оммавий ахборот воситалари ходимларидан шундай фаолият юритиш талаб этилади

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ҳаёт шиддат билан ўзгариб бормоқда. Кечаги янгилик бугун эскиряпти, тезкорлик биринчи ўринга чиқди. Бугунги ахборот даврида журналистнинг энг муҳим вазифаси аҳолига ахборотни тез ва холис етказишдир. Ахборотни танлаш, тайёрлаш, аҳолига етказишда хатога йўл қўймаслик, биринчидан, журналист билими, малакасига боғлиқ. Иккинчидан, ОАВ фаолияти, журналист эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқларини тартибга соладиган қонунларга боғлиқ. Бу масалаларда мамлакатимизда ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам оз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ўтказилган «ОАВ соҳасида миллий қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуидаги конференцияда шулар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари, масъул ходимлари, шунингдек, хорижий ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, мамлакат медиа-бозорини ривожлантириш орқали оммавий ахборот воситаларини том маънодаги тўртинчи ҳокимият даражасига етказиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — деди Агентлик директори Комилжон Алламжонов. — Буни кейинги икки йил мобайнида республикамизда оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг самарали ҳамда эркин фаолият юритишларини таъминлашга йўналтирилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинганида ҳам кўриш мумкин.

Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилди.

Агентлик зиммасига Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида алоҳида мақом ҳамда ваколат берилди. Хусусан, фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, медиа-бозорда монополистик шаклидан қатъи назар, барча турдаги ОАВ учун тенг шароит яратиш ва адбатта, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сингари долзарб масалалар Агентликнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди.

Агентлик томонидан ушбу вазифалар, 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ахборот ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида халқаро рейтингларда сўз эркинлиги ва ОАВ фаолияти бўйича мамлакатимизнинг мавқеини яхшилаш, медиа-омбудсман лавозимини жорий этиш, суд органлари ва журналистлар ўртасида изчил ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди.

Ҳар бир киши ва ҳар қандай оммавий ахборот воситаси ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишда яратиб берилган эркинлик ва имкониятдан тўғри фойдаланган ҳолда, ахборот соҳасига оид қонун ҳужжатларига риоя этиш масъулиятини ҳам унутмаслигини эслатиб ўтамиз.

— Бугунги кунда мамлакатимизда кенг кўламли ўзгаришлар, халқнинг муносиб ҳаёт кечиришига қаратилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва демократик ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари Саида Мирзиёева. — Бу ўзгаришлар мазмунмоҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка ва дунё ҳамжамиятига холис, ишончли, тезкор ва тўлақонли етказиб беришда, шак-шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари, айниқса, давлат ахборот хизматларининг самарали фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, ахборот хизматлари давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги мулоқотни амалга оширишда ўзаро боғлаб турувчи «кўприк» вазифасини бажаради. Халқ билан давлат ўртасидаги ўзаро мулоқот қанчалик яхши таъминланса, аҳолининг давлат органларига бўлган ишончи ва ҳурмати шунчалик ортади.

Шу ўринда нима учун матбуот амалда тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарила олмаяпти, деган саволга, кўп омиллар қатори вазирлик ва идора раҳбарларининг матбуот котиби ёки ахборот хизматларига нисбатан эътиборсиз муносабатини асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Бу ҳолатларга барҳам бериш мақсадида жорий йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Агентлик зиммасига яна бир муҳим — давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада ривожлантириш ва бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш вазифаси ҳам юклатилган.

Ўтказилган таҳлиллар ва ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу соҳада энг асосий муаммо — бугунги кунда ягона давлат ахборот сиёсати тўғрисидаги концептуал ҳужжатнинг мавжуд эмаслигидир.

Ҳозир ушбу ҳужжат тайёрланмоқда. Аммо уни амалга оширувчи ахборот хизматларининг фаолияти бугунги ислоҳотлар талабига жавоб берадими? Улар ишини янада фаоллаштириш ва такомиллаштириш учун нималар тўсиқ бўлмоқда? Бу саволлар долзарб бўлиб қолмоқда.

Афсуски, уларнинг иш юритиш тартиби, ахборот тарқатиш усул ва механизмлари замон талабларига мутлақо мос эмас, десак хато бўлмайди.

Яна бир энг асосий масалага эътиборингизни қаратишни истар эдим. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларида ахборот хизматлари фаолияти деярли олиб борилмаяпти. Иш ҳажмларининг кўплиги ва қўшимча топшириқлар билан бандлиги сабабли ахборот хизматлари фаолияти қониқарсиз аҳволда қолиб кетмоқда.

Бундан ташқари, 10 дан ортиқ республика даражасидаги давлат ташкилотларида ҳамда 200 га яқин туман ва шаҳар ҳокимликларида ҳалигача ахборот хизматлари фаолияти ташкил этилмаган. Умуман олганда, давлат ташкилотларида ахборот хизматларига етарлича штат бирликлари ажратилмагани сабабли ишлар ниҳоятда суст олиб борилмоқда, уларнинг мавқеи ҳануз пастлигича қолмоқда.

Кўпгина давлат органларининг раҳбарлари ушбу муҳим масалага жиддий эътибор қаратмаяпти, ахборот хизматларининг моддий-техник базаси яратилмаган, штатлар малакали мутахассислар билан тўлдирилмаган.

Қолаверса, Президент ёки Ҳукумат томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, долзарб ташаббуслар ҳамда дастурларнинг асосий моҳияти ва тафсилотлари аҳолига тўлақонли етказиб берилмаяпти, хорижда ҳам таҳлилий жиҳатдан етарлича ёритилмаяпти.

Агар ҳар қайси давлат органлари раҳбарлари ўз иши самарадорлигини таъминламоқчи бўлса, албатта, биринчи галда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан фаол мулоқот қилиши талаб этилади. Бунинг учун ахборот хизматлари ишини тубдан такомиллаштириш лозим.

Ахборот хизматлари раҳбарлари ва ходимлари малакасини мунтазам ошириб бориш, уларга соҳага оид замонавий тенденциялар ва билимларни етказиб бериш мақсадида Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ҳар икки йилда камида бир маротаба малака ошириш курсларида ўқувларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ишларнинг ижроси очиқ ва адолатли демократик жамиятда аҳолининг ахборот майдонидаги фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилади.

Конференцияда мавзуга оид қатор маърузалар тингланди. Жумладан, «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти филиали (Словения)нинг Ўзбекистондаги минтақавий идораси раҳбари Петра Горьоп «Давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги: Европа мамлакатлари тажрибаси», «Очиқ маълумотлар» компанияси (Украина) директори Андрей Хорсев ва бошқаларнинг ОАВ фаолиятига оид маърузалари ҳам тадбир иштирокчилари учун қизиқарли бўлди. Баҳс-мунозараларда таклифлар айтилди, муаммолар кўтарилди, уларнинг ечими бўйича тавсиялар берилди.

— Оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича 10 та қонун бор. Бироқ, уларга шарҳ ёзилмаган, — деди Олий суд матбуот хизмати раҳбари вазифасини бажарувчи Олимжон Ўсаров. — Бугун ана шу қонунларга шарҳ ёзишнинг фурсати етди. Қолаверса, қонунчиликда бир-бирини такрорлайдиган нормалар бор. Судлардан ахборот олишнинг аниқ механизми йўқ. Соҳага доир юзга яқин қонуности ҳужжат ҳам мавжуд. Таклифим шуки, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ахборот кодексини тайёрлаш керак.

Шунингдек, сенатор Светлана Ортиқова матбуот хизмати ходимлари ва журналистлар клубини ташкил этиш ҳақида таклиф билдирди.

Конференциянинг иккинчи қисмида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси лойиҳаси ҳақида ҳам батафсил маълумот бериб, ушбу кодекс мазмун-моҳияти, мақсади ҳақида тўхталди.

Бугун журналистлар учун ахборот майдони очиқ. У ахборотни одамларга холис, ҳаққоний етказиши керак. Конференцияда бу фикр қайта-қайта айтилди. Журналист билими ҳамда малакасини, масъулиятини ошириш борасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда сўз ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашга, журналистлар мавқеини кўтаришга, аҳолига холис ахборот етказишга хизмат қилади.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОНАЖОНИМНИНГ ОЗОДЛИККА ЧИҚИШИ

Президентимизнинг туғилган кунимга бебаҳо совғаси бўлди, - дейди наманганлик 8-синф ўқувчиси Мухтасар.

Президентимиз ташаббуси билан Олий суд ва Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида тузилган меморандумга асосан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда хотин-қизлар қўмиталари вакиллари жамоатчилик асосида ҳимоячи бўлиб иштирок этмоқда. 2018 йилда жиноят содир этган ва ҳуқуқбузарликка қўл урган 893 нафар хотин-қиз Хотин-қизлар қўмитаси томонидан кафилликка олиниб, жазодан озод этилди. 113 нафар судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди. Жазо муддатини ўтаётган 597 нафар аёл жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 100 нафар аёлнинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилди.

Бу рақамлар ортида одамларнинг қисмати, тақдири турибди. Бу аёллар фарзандларининг келажаги турибди. Озодликка чиқарилаётган ҳар бир аёл ўртача 3-4 нафар боланинг онаси эканлигига аҳамият берсак, уларга кўрсатилаётган меҳр-мурувват нақадар муҳимлигини англаймиз.

Қамоқдаги аёллардан кўра, уларнинг ортида қолган болаларига ҳар томонлама қийинлиги, азоблиги ҳамманинг ҳам хаёлига келавермайди. Шу ўринда бир мисол ёдга тушади. Март ойида Олий судда 6 нафар маҳкума аёл аризаси назорат тартибида кўрилаётганда улардан бири гапиролмаслигини билиб қолдим. Ортидан келган эри ҳам гунг экан. Аммо 7-синфда ўқийдиган қизи бурро-бурро сўзларкан.

— Ўша куни дадам уйга йиғлаб кириб келди. Ўн икки ёшли укам билан қўрқиб кетдик, — дейди Азиза. — Билсак, онам одамларнинг пулини қайтариб бермагани учун қамалиб қолибди. Қўйиб юборишса керак, деб умид қилувдик. Лекин 3 йилу 6 ойга қамашди. 9 ой бўлди онам қамалганига. Ҳар куни ўйлайман. Тушларимга киради, уйғониб кетаман, Художон, онамни уйга қайтар, деб йиғлардим. Укам ҳам уйғониб, менга қўшилиб йиғларди. Президентимизга раҳмат, бугун онам озодликка чиқади.

Дадам мошина ювадиган жойда ишларди. Онам қамалгач, ишга бормай қўйди. Уйда бизга қаради... онам чиқса ишга киради.

Азизанинг онаси жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплагани учун суд қарори билан темир панжарадан чиқиб, чўк тушиб боласини бағрига босиб, юм-юм йиғлаганини кўрганлар ҳам кўз ёшларини тўхтатиши қийин бўлди. Энди ўйлаб кўрайлик, бу аёл қамоқда ўтирса, икки боласининг аҳволи нима бўларди?

Куни кеча Зангиотадаги жазони ижро этиш муассасасида ўтган сайёр суд пайтида ҳам Наманган вилоятидан онасини олиб кетишга холаси билан келган Мухтасарнинг гапига қулоқ солайлик: — Акам бор, 16 ёшда. Онам қамалгач, иккаламиз ҳам ерга қараб юрадиган бўлдик. Ўртоқларим олдида кўнглим ўксирди. Ўзимни гуноҳкор сезардим.

Худо хоҳласа бугун онамни уйга олиб кетамиз. Биз учун кутилмаган ҳолат бўлди. Ҳаммага раҳмат. Мен 1 июнда туғилганман. Онамнинг озодликка чиқиши Президентимизнинг туғилган кунимга совғаси бўлди.

Кишини ўйга толдирадиган яна бир ҳолат кузатилди. Одам савдоси билан шуғулланган бир аёл судда айбига икрорлигини тан олиб, пушаймонлигини билдириб, икки нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, енгиллик берилишини сўрайди. Ўғрилик билан судланган яна бири вояга етмаган икки фарзанди борлигини айтади. Бошқаси 4 нафар вояга етмаган боласи борлиги ҳисобга олинишини сўрайди. Савол кўндаланг бўлади: Улар жиноятга қўл уришдан олдин нега шуни ўйлашмади? Қўлга тушсам қамаламанку, деган фикр хаёлига келмадими? Судлардан инсонпарварлик талаб этилади, давлатимиз адашганларга, тавба қилганларга меҳр-мурувват кўрсатади. Аммо аёлларимиз ҳам ўзларини асрашлари, фарзандларини ўйлашлари керакку. Айрим аёллар енгил-елпи йўллар билан мўмай пул топишга уриниб, жиноят кўчасига кириб қолаётганлари ҳам аччиқ ҳақиқат.

Зангиота туманидаги жазони ижро этиш муассасасида оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлар сақланади. Улар шу пайтгача ҳеч қачон белгиланган жазо муддатидан илгари озодликка чиқарилмаган. Хўш, бугун улар нимага асосан озод этилмоқда?

Судлар ажримларида қуйидаги асослар кўрсатилган: аёллиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, намунавий хулқи, фарзандлари борлиги, ногиронлиги, ёши 60 дан ошгани, берилган жазо муддатининг асосий қисмини ўтаб бўлгани каби асослар кўрсатилган. Булар тўғри, аммо энг муҳим асос бугун мамлакатда вазият ўзгаргани, инсон тақдирига муносабат ўзгаргани, деб баҳоласак, тўғрироқ бўлади.

Бунинг исботига яна бир мисол. Зангиота туманидаги муассасага ўша куни Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдгоров бошчилигида Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти судларининг аёл судьялари келиб, маҳкумалар билан мулоқот ўтказишди. Аёл судьяларнинг қамоқхонага келиб, маҳкумалар билан бевосита суҳбат ўтказиши маъномазмунига ортиқча изоҳ бериш шарт бўлмаса керак. Бу учрашув судьялар дунёқараши, ҳаётга, хусусан, аёллар тақдирига муносабатини ўзгартиради, деган умид бор, ишонч бор. Олий суд судьяси Нодира Бобохонова бу учрашув аҳамиятини шундай изоҳлади: — Суд тизимида шунча йил ишлаб, бунақа учрашувда бўлмагандим. Эшитиш бошқа, кўриш бошқа экан. Бир фикрга келдим, аввало аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун жиддий курашмоғимиз зарур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аёлнинг оналиги, ортида фарзандлари борлигини унутмаслигимиз керак...

Тўғри, аёлни қамаш осон иш эмас. Аввало улар ишлаши, инсондек хотиржам яшаши учун шароит яратиб беришимиз керак. Бу жуда долзарб, оғир, лекин муҳим вазифа. Иши бор, маоши турмушига етадиган, уй-жойли, оиласи бутун, фаровон бўлса, аёл киши жиноятга қўл урадими? Эҳтимол аҚлидан озганлари жиноят қилар...

Маҳкумалар билан гаплашганимизда улар шароитлар яхшилиги, муассаса раҳбарлари ва ходимларидан миннатдорликларини, бу ерда касб-ҳунар ўрганганликларини айтишди. Аммо, озодликка ҳеч нарса етмаслиги, оила бағрида бўлиш катта бахтлигини таъкидлашди. Шу боис ҳам жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди раиси Ўктам Холиқовнинг **...озод этилсин,** деган қарорини улар гулдурос қарсаклар билан олқишлашди, кўзларидан қувонч ёшлари қуюлди.

Ўша куни Холмўмин Ёдгоров муассасада 17 нафар маҳкума аёлни қабул қилди. Уларнинг аризалари назорат тартибида кўриб чиқиладиган бўлди. Демак, бу жараён давом этади. Билиб-билмай ёки турли сабаблар билан жиноят содир этиб, бугун оиласидан, фарзандларидан, жамиятдан ажратилган аёллар тақдири ҳақида қайғуруш давом этади.

Тергов қилиб, айблов фикри ёзилаётганда, суд қилиб, ҳукм ўқилаётганда биз асосан кўзи кўр, қулоғи кар Жиноят кодекси моддаларига ёпишиб оламиз. Бу «соқов» ҳужжатларда фалон-писмадон жиноятни қилган фалон йилдан тортиб, фалон йилгача озодликдан маҳрум этиш белгилаб қўйилган. Табиийки, терговчи ҳам, судья ҳам ана шу талабни бузишдан озми-кўпми, чўчийди. Аммо бир инсон умрининг 5-10 йили қамоқда ўтишини, унинг болалари қаровсиз қолиб кетаётгани, она меҳридан, назоратидан мосуво бўлаётгани-чи?.. Онага қўшиб, унинг фарзандларига ҳам жазо бераётганимизни ўйламаймиз. Демак, она болаларидан, болалар онадан ажратилмоқда. Онасиз қолаётган болалар тарбияси, тақдири эртага нима бўлади?

Онани қамадик, жиноятига яраша китобда ёзилган жазони бердик. Вазифаларимизни бажардик. Лекин бундан жамиятга, давлатга қанча фойда-ю, қанча зиён келишини ўйлаб, ҳисоблаб кўрдикми?.. Оғир жиноят қилган, масалан, қотиллик, босқинчилик, талончилик каби жиноятлар хавфли бўлгани учун жазога маҳкум. Гиёҳванд модда сотиш, қўшмачилик, одам савдоси каби жиноятлар ҳам ўта оғир жиноятлар ҳисобланади.

Бироқ ҳар бир жиноятнинг сабаби, уни содир этган шахснинг кимлиги, ижтимоий келиб чиқиши, жиноятни қандай ҳолатда содир этгани чуқур ўрганилса, кишини ўйга толдирувчи қатор саволлар пайдо бўлади. Қонунчилигимизда бу масалада маълум талаблар қўйилган, албатта. Жиноят учун белгиланган жазони оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар кўзда тутилган. Афсуски, яқин ўтмишда қонуннинг бу талаблари амалда деярли қўлланилмасди.

Судланувчига оғирроқ жазо тайинланишидан аксарият терговчилар ҳам, судьялар ҳам мамнун бўлишарди. Гўё хавфли жиноят очилди, исботланди, жиноятчи муносиб жазоланди. Терговчи ва судья катта иш қилди...

Бироқ қамалаётган киши қиз бола бўлса, эртага унинг шахсий ҳаёти нима бўлади? Она бўлса-чи? Бу саволлар оғирдан-оғир. Уларга жавоб топиш ҳам қийин. Аммо бу саволлар кишини ўйлашга ундайди.

Одам қамашни ёқтирадиган терговчи ёки судья, бировнинг дардини ҳис қилмайдиган яна кимдир «Жиноят қилгач, қамалади-да, жиноятчи бўлгач, жазосини олсин-да», дейиши мумкин. Тўғри, жиноят жазосиз қолмаслиги шарт. Аммо гап инсон ҳаёти, тақдири ҳақида кетаётган экан, жазони ҳам инсонийлик нуқтаи назаридан белгилаш адолатли бўлмайдими? Ахир жиноятчига жазони ҳам инсон белгилайди-ку. Қонун талаби бажарилиши керак, лекин ҳар қандай жазо инсонпарварлик нуқтаи назари, меҳр-оқибат тамойиллари, виждон амри асосида белгиланса, адолатли ва шафқатли ҳукм бўлади, деб ўйлаймиз. Афсуски, қамоқда ётган аёллар ҳаёти, содир этган жиноятлари тафсилоти билан чуқур танишсангиз, ҳайқиргингиз келади, аксариятига ачинасиз, раҳмингиз келади. Улар олдида ўзингизни гуноҳкор ҳис этасиз.

Тошкент вилояти туманларидан бирида яшаган, уч нафар фарзандидан бири ногирон бўлган маҳкума аёл қисматига қаранг: У турмуш ўртоғи билан ажрашган, аммо эри алимент тўламайди, ўзи эса ишсиз. Болаларини боқиш учун, тирикчилик учун бозор-ўчарга аралаштиб юрган. Аммо ногирон боласини даволатишга имкони бўлмагач, қўшимча даромад топиш учун «уйига одам қўйган», яъни кимлардир жазманлари билан яширинча кириб, чиқиб юрган.

Бу аёл одам савдоси жиноятлари билан айбланиб, узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилган. Бунинг оқибатида ногирон бола ҳам, бошқалари ҳам қариндошлари қўлида қолиб кетаяпти. Энди ўйлаб кўрайлик, онанинг қамоққа олиниши жамиятга, давлатга қанча фойда ёки зарар келтиради? Биринчидан, маҳкума аёлни давлат боқади, уни ўн йил қамоқда сақлаш давлатга қанчага тушади? Майли, бунга чидаса бўлади. Аммо бу ўн йил орасида уч бола тақдири нима бўлади? Бир онани қамадик, уни тўғри йўлга солмоқчи бўлдик, аммо онадан ажратилган, отасиз уч бола эртага жамият учун муаммога айланмайдими? Бирини тузатаман деб, учта муаммони яратмаяпмизми?

Куни кеча Зангиотада бир маҳкума она мурожаати тингланди... Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманилик бу аёлнинг тавба-тазарру қилиб, кўз ёш тўкиб айтган гаплари ҳар қандай тошбағир одамни ҳам титратади.

— 13 йилга қамалганман, 11 йил 4 ойи ўтди, — дейди у. — Бу орада эрим вафот этди. Бешта болам ота-онасиз қолди. Улардан хабар йўқ, эшитишимча, иккитаси Россияга кетган, бирини Қозоғистонда, деб эшитдим. Қолганлари қаердалиги номаълум. Катта хато қилдим, минг пушаймонман. Ўзим-ку нима бўлсам, бўлдим, аммо болаларимга ачинаман, улар олдида гуноҳкорман. Энди очдан ўлсам ҳам, ҳеч қачон бунақа ишни қилмайман. Кўп нарсани кеч тушундим, илоҳим, ҳеч кимнинг бошига бу кун тушмасин...

Маълум бўлишича, у нотаниш кишининг топшириғи билан 79 грамм қорадорини бировга олиб бориб бериши, бунинг учун 3 миллион сўм олиши керак бўлган. Қаранг, қинғир йўл билан 3 миллион топаман, деб умрининг 11 йилдан кўпини қамоқда ўтказяпти. Бунинг устига, оиласи пароканда бўлиб, 5 нафар боласи кўчада қолаяпти. Мана, ўйламай босилган қадам оқибати, енгил йўл билан пул топишга уриниш фожиаси, бир инсон қисмати...

Бундай мисоллар оз эмас. Маҳкумаларнинг кўплари гиёҳванд модда сотишга аралашиб қолган. Айримлари фирибгарлик ёки одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни содир этган. Бу жиноятлар учун қонунларимизда аниқ жазолар белгилаб қўйилган. Қонуннинг кўзи кўр, қулоғи кар, дейилади. Бу ҳеч кимни, ҳеч нимани эшитма, қонунда белгиланган ишни қил, дегани. Аммо судьянинг кўзи кўради, қулоғи эшитади, унинг ҳам юраги бор, чунки у ҳам инсон. Инсон бўлганидан кейин инсондек фикрлаши керак бўлади. Кўр-кўрона эмас, балки инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват билан хулоса қилиши, қарор қабул қилиши керак. Кимдир ривожланган мамлакатларда ҳам жиноят қилган аёл тегишли жазосини оладику, деб ўйлаши мумкин. Қайси мамлакат бўлмасин, билганини қилсин. Аммо бизда бор миллий қадрият билан уларнинг турмуш тарзини қиёслаб бўлармикин? Бизда аёлга, онага бўлган меҳр, ҳурмат ўзгача эмасми? Эҳтимол, аёлга муносабатни бошқалар биздан ўрганиши керакдир.

Сўнгги икки-уч йилда мамлакатимиз раҳбари инсон эрки, қадр-қиммати билан боғлиқ қанча тарихий ташаббусларни илгари сурди, шу пайтгача амалиётда бўлмаган чора-тадбирларни қабул қилди. Кўпчилик билади, мамлакатимизда чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида суд тизимида оқлов деярли йўқ эди. Қамалган қамалиб кетаверарди, йиллаб ётаверарди. У ноҳақ қамалган ёки унга жазо муддати асоссиз қўлланилган бўлса-да, ҳеч ким аралаша олмасди, аралашган балога қоларди...

Бугун мамлакатимиз ижтимой-иқтисодий, сиёсий ҳаётида бўлганидек, маънавий ҳаётида ҳам улуғ ўзгаришлар бошланди. Ҳақсизлик, адолатсизликлар ҳақида очиқ гапириладиган бўлди. Адолатнинг амалдаги ифодасини кундалик ҳаётимизда тобора кўпроқ кўрмоқдамиз.

Ушбу мақола саҳифаланаётганда, рўзаи Рамазондек муқаддас кунларда, Ҳайит байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев жазони ўташ муассасаларидан 575 нафар маҳкумни авф этиш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

Бу Фармони олий давлатимиз инсонпарварлик сиёсатининг, фуқароларимизга кўрсатилаётган меҳр-мурувватининг яна бир ёрқин мисоли, юқори даражадаги тасдиғи бўлди.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

> **Энди ўйлаб кўрайлик, онанинг қамоққа олиниши жамиятга, давлатга қанча фойда ёки зарар келтиради? Биринчидан, маҳкума аёлни давлат боқади, уни ўн йил қамоқда сақлаш давлатга қанчага тушади? Майли, бунга чидаса бўлади. Аммо бу ўн йил орасида уч бола тақдири нима бўлади? Бир онани қамадик, уни тўғри йўлга солмоқчи бўлдик, аммо онадан ажратилган, отасиз уч бола эртага жамият учун муаммога айланмайдими? Бирини тузатаман деб, учта муаммони яратмаяпмизми?**

◀Давоми, бошланиши 1-бетда.

> Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноятга қўл урган аёлларнинг аксарияти эридан ажралган, алимент ундиролмаган...

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Паст Дарғом туман тиббиёт бирлашмасидан берилган маълумотга кўра, ҳозир туманда 18 ёшгача бўлган болаларнинг 123 нафари туғма юрак нуқсонидан азият чекмоқда.

Паст Дарғом туман ҳокимлиги 47 нафар бемор бола

операцияси харажатларини зиммасига олди

— Туғма юрак нуқсонли болалар тўлиқ кардиолог врачлар кўригидан ўтказилган, — деди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари А.Ўтаев. — Бизнинг қўлимиздан келгани даволаниши учун тегишли муассасаларга ордер беришдир. Улар 2020 йил охиригача операция қилинувчилар навбатига ҳам киритилган. Ҳозиргача бемор болаларнинг 23 нафари Тошкентда операция қилинган. 1 нафари Россияда, 3 нафарининг ота-онаси Ҳиндистонда даволатиб қайтишди. Аммо бундай мураккаб жарроҳлик амалиётига сарфланадиган харажатларни ҳамма ота-оналарнинг ҳам ҳамёни кўтаравермайди.

Мутахассислар ташҳисларига асосланиб, 2008-2018 йилларда туғилган 47 нафар болани зудлик билан операция қилиш орқали соғлом ҳаётга қайтариш мумкинлигини туман ҳокими Шунқор Худойбердиевга билдирдик ва бу борадаги таклифларимизни айтдик.

«Биласиз, Самарқанд шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасининг юрак хирургияси бўлимида бундай операциялар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Дўхтирлар билан боғланиб, вазиятни тушунтиринг. Бу болаларнинг ҳаёти бизга керак. Операция учун сарфланадиган маблағни ҳокимлик зиммасига олади», деди ҳоким.

Биринчи бўлиб 8 ёшли Шерзод Сайфуллаев малакали шифокор Мақсуд Саидов томонидан операция қилинди. Жарроҳлик амалиётидан сўнг боланинг онаси билан суҳбатлашдик.

— Тошкентга ҳам олиб бордим. Шифокорлар иккинчи босқичда операция қилинишини, лекин яшаб кетишга кафолат йўқлигини айтишди. Туман ҳокимлигига мурожаатимдан сўнг, Яратганнинг ўзи йўлимизни ўнглади. Самарқандда шу дард билан туғилган болаларни даволаш муассасаси иш бошлаган экан. Болажонимнинг дардига бефарқ қарамаганларга раҳмат, операцияга сарфланадиган маблағни ҳам тўлашибди, — деди Муниса Турсунова.

— Бу ердан чиққач, кўп ўқийман. Ё ҳоким бўламан, ё дўхтир. Мен ҳам худди ана шу одамлардай дардманд беморларга ёрдам бераман, — деди Шерзоджон.

— Ўтган йил май ойидан буён туғма юрак нуқсони бор болаларни ҳаётга қайтараяпмиз, — деди шифокор Мақсуд Саидов. — Вилоят ҳокимлигидан миннатдормиз. Қиймати 2 миллиард сўмлик оксигенатор тиббиёт асбобини олишга маблағ ажратди. Шарт-шароитлар яратилди. Шу сабаб Самарқандда ҳам мураккаб бу амалиётни муваффақиятли амалга ошириш имкони туғилди.

— Туғма юрак нуқсонли беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилиши учун 23 турдаги дори-дармонлар зарур бўлади. Бу камида 14 миллион сўм дегани. Паст Дарғом туман ҳокими биринчи бўлиб бу харажатларни тўлаш ташаббуси билан чиққани халқимизга хос мурувват намунаси. Хаста болаларга меҳр-мурувват кўрсатилиши бошқа давлатлардан келиб мураккаб операцияларда қатнашаётган ҳамкасбларни ҳам лол қолдирди. Чунки харажатларнинг ўзи салкам 750 миллион сўмни ташкил этади. Яна бир муҳим жиҳати, ҳозир ана шу болаларнинг ҳар бирига 450 минг сўм атрофида нафақа тайинланган. Операциялардан сўнг бу болалар буткул соғаяди. Яъни, нафақага эҳтиёж ҳам, зарурат ҳам қолмайди. Худо хоҳласа, уч ой атрофида бу болаларнинг ҳаммаси соғлом ҳаётга қайтади.

Суҳбатдан сўнг шифокорлар ижозати билан палаталарни кўздан кечирдик. Ҳар бир хона фасллар, эртаклар тафсилотига мос жиҳозланган. Хоналарга бўйларканмиз, оналарнинг ёруғ чеҳралари, операциядан бир муддат ўтиб юзлари тиниққан болажонларнинг ўйинчоқлар билан «машғул»ликларини кўрдик.

Бахтиёр ШУКУРОВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари.

Журналистлар саволларига вазир ўринбосари жавоб берди.

Тиббиётнинг тараққиёти кимларга ва нималарга боғлиқ?

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Тиббий таълимдаги ислоҳотлар — тиббиёт соҳасининг тараққиёт мезонларидан бири» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш, халқимизга тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини халқаро даражага олиб чиқиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги, хусусан тиббиётнинг бирламчи тизимидан тортиб, ихтисослашган марказларида янги технологиялар татбиқ этилаётгани ҳамда дунё илм-фани ва тиббиёт ютуқларидан кенг фойдаланилиб келинаётгани таъкидланди.

— Президентимизнинг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори тиббий таълим тизимини янги босқичга кўтариш, соҳада ечимини кутаётган устувор вазифаларни ижро этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда, — деди **Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Баситхонова.** — Ушбу ҳужжат билан тиббиёт олий таълим муассасаларида 2019/2020 ўқув йилидан клиник психология, биотиббиёт муҳандислиги, дори воситаларини стандартлаш, сертификатлаш ва сифат менежменти каби бир қатор янги таълим йўналишлар очилади. Шунингдек, эндиликда тиббиёт колледжларида ҳам ўқитиш муддатлари 3 йилдан 2 йилга қисқартирилиб, фельдшер-лаборатория иши, фельдшерлик иши ва тиббий-ижтимоий иш каби янги таълим йўналишларида малакали ўрта тиббиёт кадрлар тайёрланади. Яна шуни айтиш мумкинки, бугунги тадбиримизда 53-Халқаро Менделеев олимпиадасида Тошкент педиатрия институти қошидаги академик лицей ўқувчилари қатнашиб, фахрли ўринларни, яъни олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган. Улар билан биз, ота-оналари фахрланади. Улар бундан кейин ҳам халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, Ватанимиз байроғини баландларга кўтаришига ишонамиз...

— 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, республикамизнинг тиббиёт олий таълим муассасаларида ва филиалларида Россия, Германия, Корея Республикаси, Туркия, Ҳиндистон каби хорижий давлатларнинг 20 дан ортиқ бакалавриат, магистратура ва клиник ординатура мутахассисликлари бўйича қўшма дастур асосида халқаро факультетлар ҳамда янги ўқув йилидан Россиянинг Н.И. Приогова номидаги Россия тиббиёт университети филиалини ташкил этиш режалаштирилган, — деди **Вазирликнинг фан ва таълим бош бошқармаси бошлиғи Ўктам Исмаилов.** — Шунингдек, 2019/2022 йилларда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт олий таълим муассасаларида босқичма-босқич ўқув-симуляцион марказлар ташкил этиш ҳамда 2020 йилдан бошлаб, ҳар йили тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари ва тиббиёт коллежларининг ўқувчилари орасида клиник фанлар бўйича Ибн Сино номидаги халқаро тиббиёт олимпиадалари, шу билан бирга ёш олимлар орасида Ибн Сино номидаги халқаро илмий танловлар ўтказилади. Бундан ташқари, бугунги кунда республикамизда тиббиёт соҳаси учун 7 олий тиббий таълим муассасаси ҳамда уларнинг 4 филиалида малакали кадрлар тайёрланмоқда. Жумладан, ўтган йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали очилиши, Фарғона филиалида қабул жараёнининг қайта тикланиши ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятларини кенгайтирди.

Шу тақлид таълимдаги ислоҳотлар, тиббиёт соҳасининг тараққиёти ҳақидаги маърузалар тугаб, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларини бирин-кетин бера бошлади.

Мен вазир ўринбосарига қуйидагича савол билан мурожаат қилдим.

— Ўзингиз таъкидлаганингиздек, халқаро фан олимпиадаларида академик лицей ўқувчилари ҳам қатнашиб, ўзининг аҳли ва билими билан кўплаб давлатлар орасидан фахрли ўринларга сазовор бўлиб, юртимиз байроғини баландларга кўтаришмоқда. Бу каби ютуқларни спортчиларимизда ҳам кўришимиз мумкин. Уларнинг бу ютуқлари муносиб тақдирланади ва улар нуфузли мусобақаларда юртимиз байроғини янада баландларга кўтаришга бор шижоати билан ҳаракат қилишади. Уларни ана шундай озгина эътибор, озгина рағбат янада руҳлантиради. Тўғри, Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари энг кам ойлик иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланиши белгиланган. Унга мувофиқ, 1-ўрин (олтин медаль) учун – 500, ўқитувчисига – 450 баравари; 2-ўрин (кумуш медаль) учун – 300, ўқитувчисига – 250 баравари; 3-ўрин (бронза медаль) учун – 200, ўқитувчисига – 150 баравларлиги кўрсатиб ўтилган.

Мен нима демоқчиман, 53-Халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз академик лицей ўқувчилари фахрли ўринларни эгаллагани муносабати билан ўқувчиларни рағбатлантириш борасида вазирлик бирор чора режалаштирганми?

— Сиз спорт билан илм ўртасида фарқ борлигини, яъни иккаласи бошқа-бошқа йўналиш эканини яхши тушинасиз, деб ўйлайман. Ўзингизга яхши маълумки, спортчиларимизнинг халқаро спорт мусобақаларда қўлга киритган ютуқлари учун уларга квартира ёки автомобиль берилади. Агарда шуни назарда тутаётган бўлсангиз, биз бу халқаро олимпиадаларда фахрли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларга автомобиль ёки квартира бера олмаймиз. Бундан ташқари, улар ҳали илм йўналишида кўп ютуқларга эришади. Чунки, боя айтганимдек, спортдан фарқли ўлароқ илм йўналиши давомли ҳисобланади. Яна шуни айтишим мумкинки, халқаро олимпиадаларда лицей ўқувчиларининг қатнашиши ҳамда улар олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишининг ўзи улар учун рағбат эканлигини яхши тушиниб олишлари керак. Бундан уларнинг ота-оналари, устозлари ҳам жуда хурсанд бўлишган ва фахрланишган. Қолаверса, уларнинг мана шундай матбуот анжуманларига таклиф қилиниши ҳам рағбат ҳисобланади...

Тўғри, спорт билан илм ўртасида катта фарқ бор. Аммо ҳар иккаласи ҳам Ватан шаънини ҳимоя этади. Лекин спортда ўсмирлар, ёшлар терма жамоалари муваффақиятга эришса, алоҳида рағбатлантирилади. Фан, мусиқа соҳаларида эса халқаро танловлардаги ғалабалар бироз камтарона нишонланади. Эҳтимол, улар қайси халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритса, олий ўқув юртларига ўқишга киришида имтиёзга эга бўлишини аниқ белгилаб қўйиш керакдир. Ҳар ҳолда рағбат қанча юқори бўлса, киши шунча руҳланади, шунга яраша интилади. Бир сўз билан айтганда, тиббиёт соҳаси тараққиёти ҳам айнан истеъдодли ёшларга боғлиқ, деб ўйлаймиз.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кўпинча кўча-кўйларда, одам гавжум бўлган, хусусан, бозор жойларда бир ахволда юрган одамларга кўзимиз тушади. Биров унга раҳми келиб ёрдам беради, биров эса ёнидан бепарво ўтиб кетади.

Гап бу ерда тирикчилик илинжида, тўрт-беш сўм ишлаб, уйга юбораман, рўзғорни бутлайман, деган мақсадда шаҳарга келиб, ножўя ҳою-ҳавасларга берилиб, мушкул аҳволга тушиб қолган туппа-тузук инсонлар ҳақида бораяпти.

Инсонийлик – мурувватли бўлишда

Бундай пайтда албатта ҳушёр ички ишлар ходимлари уларга ёрдам бериш мақсадида шахсини суриштиради, керак бўлганда кўмак беради. Бунинг иложи бўлмай қолган тақдирдагина маъмурий судга унинг шахсини аниқлаш мақсадида реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида илтимоснома билан чиқади. Марказга олиб келинган шахс тиббий текширувдан ўтказилиб, соғлигида муаммо бўлса, уни тиклаш учун шифохонага юборилади. Шу бизлан бирга, маълум муддат ичида мазкур шахс туғилиб ўсган жой, яшаш манзилига сўровномалар юборилади.

Яшнобод туман Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 5-сонли ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими инспектори Феруз Боборажабовга ўзини қашқадарёлик Шерзод Исломовман, деб таништирган фуқаронинг Тошкент шаҳрида муайян яшаш жойи ва ёнида ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган. Шундан кейин туман 5-сонли ИИБ бошлиғи томонидан фуқаронинг шахсини аниқлаш зарурати туфайли уни вақтинчалик реабилитация марказига жойлаштиришни сўраб Яшнобод туман маъмурий судига мурожаат қилинган.

Судда Шерзод Исломов ҳақиқатан ҳам барча ҳужжатларини йўқотиб қўйганини, профилактика инспекторининг фикрини маъқуллаш баробарида реабилитация марказига жойлаштирилишига эътироз йўқлигини билдирди. Суд мазкур ишга доир важларни, унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, фуқаронинг шахси аниқлангунга қадар уни Тошкент шаҳар ИИББ Реабилитация марказига жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилди.

Таъкидлаш керакки, Реабилитация марказларига тушадиган шахсларнинг аксарияти соғлом турмуш тарзини бутунлай йўқотган, ичкиликбозликка муккасидан кетган. Айримлари эса, кексалиги ва ногиронлиги боис,

меҳнатга яроқсиз кишилар. Эндиликда турли ҳудудлардан келган, яшаш жойига эга бўлмаган шахслар яшаш ҳудудларига қайтариб юборилмасдан, унинг шахсига, паспорт бўйича рўйхатга қўйилган турар жойига аниқлик киритиш амалиёти қўлланилмоқда. Натижада кўпчилик фуқаролар яна соғлом турмуш тарзига қайтиб, ўз ҳаётини ўнглаб олмоқда.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, ёки биометрик паспорт олмаган шахслар ҳақида эса реабилитация марказининг ўзида Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан мобиль қурилма воситасида биометрик маълумотлар олиниб, жойлардаги мутасаддилар томонидан уларнинг яшаш жойлари аниқланиб, бандлигини таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Акрам ЮСУПОВ,
Яшнобод туман маъмурий суди судьяси.

«ГУЛШАН» ИСТИРОҲАТ БОҒИ ОБОД БЎЛАДИМИ, ЙЎҚМИ?

Бу саволларга ким жавоб беради?

АҲОЛИ МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ

Ёши улуғ кишилар яхши эслашади, бундан чорак аср муқаддам пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғи энг гавжум дам олиш масканларидан бири эди. Бу шинам боғда болалар ва катталар учун оилавий дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун қулайликлар яратилганди. Сердарахт сўлим маскан, анвойи гуллар кишининг баҳри-дилини очарди. Кун ора турли тадбирлар, концертлар ўтказилиб туриларди.

Бир пайтлар ана шу ҳудудда узунлиги қарийб 5 километр, эни 4-4,5 метрни ташкил этадиган «Тўртариқ» ариғи бўлган ва ундан оққан сув боғларни, атроф-муҳитни яшнатиб, то Қибрай тумани ҳудудларигача етиб борган. Тошкент шаҳридаги ариқлар рўйхатида қайд этилган бу ариқ ҳозир чиқиндилар билан қопланган. Чунки ирригация-суғориш тизимлари ишдан чиққан. Бу атрофда истиқомат қилувчи одамлар «Гулшан» маданият ва истироҳат боғи маҳаллий маҳкамалар раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли қаровсиз аҳволга тушиб қолди...

Бунинг устига, боғнинг асосий кириш қисми атрофида турли савдо-сотиқ дўконлари қад кўтарди, натижада унинг манзарасига ҳам путур етди. Илгари гавжум бўлган боғ ичидаги «Оталар чойхонаси» ва сартарошхона, ёзги ва қишки кинотеатр, Халқ банки филиали, тикув устахонаси ҳувиллаб қолди, баъзи бирлари ёпилиб кетди.

Боғ ёнидаги деҳқон бозорча гавжум ва файзли эди. Бу ҳудудда илгари битта маҳалла фуқаролар йиғини бўлган, аҳоли сони кўпайиши ҳисобидан бугун улар сони 6 тага етган. Бозорча фаолият кўрсатмаётгани учун «Нодирабегим», «Шўртепа», «Баҳор», «Алишер Навоий», «Катта Қорасув», «Шукур Бурҳонов» маҳалла аҳли қўшни мавзеларда жойлашган бозорларга қатнашга мажбур бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Улуғбек туманига ҳоким бўлган пайтда унинг ташаббуси билан бу боғ ободонлаштирилиб, сўлим масканга айлантирилган эди.

Боғда турли аттракционлар, кўргазмалар, кўчма қўғирчоқ театрлар ва тўгараклар фаолият кўрсатган, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган. Китоб дўконлари, маиший хизмат шахобчалари Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигининг доимий назоратида бўлган. Энг муҳими, ободонлаштириш тизими фаолияти яхши йўлга қўйилгани учун ҳудуддан кунига 2-3 марта маиший чиқиндилар олиб кетилган ва ҳамма жой тоза-озода бўлган. Бугун эса унинг атрофини спиртли ичимликлар дўкони, бар, кафе, бир қатор дорихоналар «босиб» олган.

Сўнгги йилларда мавжуд 6 та маҳалла аҳли боғни ободонлаштириб, аҳоли дам оладиган масканга айлантиришга кўмак беришни сўраб илтимоснома ёзмаган мутасадди идоралар қолмади ҳисоб.

Хайриятки, уларнинг бу илтимосномасини тўғри тушунган Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев томонидан 2018 йилнинг 13 июлида боғни қайтадан реконструкция қилиш ва ишга туширишни ҳақида қарор қабул қилинди. Қарорда ҳатто боғдаги қайси объект қайси ташкилот томонидан таъмирланиши қатъий белгилаб берилган. Лекин ҳар доим «ваъда вафоси билан гўзал», деган ақидага риоя қиладиган бирсўзли ҳокимнинг қарори негадир қоғозда қолиб кетмоқда, ҳозиргача ҳеч бир ўзгариш бўлмади.

Маҳалла аҳли шу масалада ёрдам беришни сўраб 2019 йил 8 февралда Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма бошлиғи М. Юнусов имзоси билан келган хатда «Гулшан» истироҳат боғи бўйича ташаббускор тадбиркорлар томонидан тақдим этилган лойиҳалар кўриб чиқилаётгани, агар улардан бирортаси маъқул деб топилса, ўшанга тегишли қарор асосида берилиши айтилган.

– Бошқарма бошлиғининг аҳоли мурожаатига жавоб хати мавхум, – дейди **Шукур Бурҳонов маҳалласида яшовчи отахон Иброҳим Абдуғаниев.** – Агар боғни таъмирлаш ва тасарруф қилиш масаласи кун тартибига қўйилса, аллақачон ўз эгасини топарди. Хатда «лойиҳалар кўриб чиқилаяпти», дейилган. Лекин қачонгача кўриб чиқилади? Туянинг думи ерга теккандами?

Боғ атрофида иккита ўрта умумтаълим мактаби бор. Ўқувчиларнинг ёзги дам олиш таътили даврида ҳамма болани дам олиш масканлари билан қамраб олишнинг иложи йўқ. Мана шу боғни таъмирлаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўртага ташланган бешта ташаббус асосида шу атрофда яшовчи оилалар фарзандларини турли қизиқарли тўгараклар билан банд қилса бўлади-ку! Бунга ҳалиям кеч эмас, фақат қунт ва эътибор керак. Бундан ота-оналар ҳам хурсанд бўлади, боласининг қаерда ва нима иш билан шуғулланаётганидан хабардор бўлади.

Боғ ҳудудида жойлашган маҳаллаларимизда тадбиркорлар бор, йўқ эмас, улар ҳатто боғни ҳашар йўли билан ҳам таъмирлашга рози. Лекин рухсат йўқ, бунинг учун тақдим этиладиган лойиҳа кимларгадир маъқул бўлиши ва кимларгадир берилиши керак, шекилли.

— Мен шу маҳаллада туғилганман, – дейди **Любовь Денисенко.** – Отам Иккинчи жаҳон урушига шу ердан кетиб, қонли жанглардан эсон-омон қайтиб келди. Ана шу «Гулшан» истироҳат боғига ота-онам, маҳалла аҳли билан дарахт ўтказиш ҳашарида қатнашганини кўрганман. Фарзандларим, невараларим шу ерда катта бўлишди. Ҳозир боғнинг аҳволига одамнинг ичи ачийди. Ҳамма жой ташландиқ, атрофда ҳар хил дўконлар кўпайиб кетган. Кўчада машиналар қатнови тинмайди, пиёдалар йўлаги тартибга олинган эмас. Мактабга қатнайдиган невараларимиз кўчани кесиб ўтишади, улар келгунча хавотир олиб ўтирамиз.

Истироҳат боғини ободонлаштиришни сўраб ёзмаган жойимиз қолмади. Республика матбуотида шу ҳақда чоп этилган мақолаларга ҳам деярли эътибор берилмади. Туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси туман кенгашидан «Ушбу масала кўриб чиқилаяпти», деган мавҳум жавоб олинди, холос. Боғ нима учун ёпиқ турибди, десак, «Бу жой тадбиркорга сотилган, хусусий мулк, — дейишади. «Ким сотиб олган?» деб сўрасак, ҳеч ким билмайди.

Илгари одамлар сув ичадиган, ҳозир чиқиндихонага айланиб қолган «Тўртариқ» канали фаолияти қайтадан тикланса, шу ҳудудда экологик вазият яхшиланади, атроф-муҳит кўкаламзорлашади. **Биз истаймизки, «Гулшан» истироҳат боғига ҳам пойтахтимиздаги бошқа маданият ва истироҳат боғларига ўхшаб эътибор қаратилса, унинг ёнатрофи дўкон ва бошқа савдо шохобчаларидан тозаланиб, уларнинг ўрнига кутубхоналар, замонавий кўнгилочар объектлар, маданий-маърифий марказлар очилсин.**

Афсуски, бу борадаги мурожаатларимиз, жавобсиз қолаяпти, ёки: «Сизнинг хатингиз фалон ташкилотга кўриб чиқиш учун юборилди», «Мурожаатингиз назорат тартибида кўриб чиқилади», деган мавҳум мазмундаги жавоб хатидан нарига ўтмаяпти.

Мирзо Улуғбек туманидаги ташландиқ ҳолда ётган «Гулшан» маданият ва истироҳат боғининг бундан буёнги тақдири нима кечади? Маҳалла аҳли бу борада ёрдам сўраб қатор давлат идораларига мурожаат қилган бўлса, яна кимга мурожаат қилсин?

Давлатимиз раҳбари халқнинг ишончини қозониш, уларни рози қилиш лозимлигини барча йиғилиш ва учрашувларда қайта-қайта таъкидламоқда. Катта-икчик бўлсин, барча раҳбарлар халқнинг хизматкори экани уқтирилмоқда. Одамлар ўзларини қизиқтираётган ёки ташвишлантираётган саволларга ўз вақтида, аниқ жавоб олса, табиийки, хотиржам бўлади. Маҳалла аҳли қанчалаб идора ва ташкилотларга мурожаат қилиб келаётганини кўрган туман ҳокими маҳаллалар оқсоқолларини бир жойга тўплаб тушунча берса, улар гап нимадалигини тушунарди, ариза ёзиб, овора бўлишларга чек қўйиларди. Бироқ ҳозирча савол очиқ қоляпти: «Гулшан» истироҳат боғи қачон обод бўлади?

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Оддий усулда суғоришга нисбатан томчилатиб суғорилганда ҳар гектаридан 5 миллион сўмдан зиёд соф даромад олинган.

ТУПРОҚ СОҒЛОМ БЎЛСА, ИНСОН ҲАМ СОҒЛОМ БЎЛАДИ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Бугунги кунда республикамизда ирригация (суғориш) эрозиясини камайтириш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда минтақаларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос янги навларни яратиш, эрозия жараёнларининг олдини олувчи ресурс тежамкор агротехнологияларни кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Президентимизнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, эрозия жараёнларининг олдини олувчи, тупроқ унумдорлигини оширувчи замонавий агротехнологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, мамлакатни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги Президент фармонида ҳам муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Ҳозирги кунда БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўлими (ФАО) маълумотларига қараганда, дунё бўйича деградацияга учраган ерлар 1964,4 миллион гектарни ташкил этади, шундан сув эрозияси таъсирида 55,7 фоиз, шамол эрозияси таъсирида 27,9 фоиз, тупроқда озуқа моддалари миқдорининг камайиши, шўрланиш, ифлосланиш жараёнлари туфайли 12,2 фоиз ерларнинг ҳолати ёмонлашган.

Деградация жараёнлари натижасида ҳар йили 6-7 миллион гектар ер майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланувидан чиқиб кетмоқда. Ер ва сув ресурсларининг кучайиб бораётган деградацияси бутун жаҳоннинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари захирасига салбий таҳдид қилмоқда. Мазкур вазият 2050 йилга бориб 9 миллиард кишини ташкил этиши кутилаётган бутун жаҳон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларини чегаралаб қўйиш эҳтимоли борлиги айтилмоқда.

Ҳозир дунё бўйича 1,094 миллион гектар ёки 56 фоиз майдон ирригация (суғориш) эрозиясига учраган. Деградацияга учраган майдонларнинг асосий қисми Осиё, Африка, Жанубий Америка давлатларига тўғри келади.

Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида ирригация эрозиясига 850,6 минг гектар ва шу ҳудудда 30 минг гектар майдон жарлик эрозиясига чалинган бўлса, лалмикор ерларнинг 746,8 минг гектари ҳар хил даражада юза сув эрозиясига учраган.

Маълумотларга кўра, Самарқанд вилоятининг жами ер майдони 1677,4 минг гектарни ташкил этиб, шундан суғориладиган ерларнинг 129,1 минг гектари турли даражада эрозияга учраган. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, тупроқнинг ювилиш даражасининг ортиши, суғориладиган майдонларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади. Жумладан, кам ювилган майдонларда ҳосилдорлик 10-20 фоизга, ўртача ювилганда 20-40, кучли ювилганда 40-60 ва жуда кучли ювилган далаларда эса 60-80 фоизга пасаяди. Суғориш эрозияси туфайли суғорма деҳқончилик қилинадиган типик бўз тупроқларнинг ҳар бир гектаридан, бир вегетация даврида 150-200 тоннагача тупроқ ва у билан биргаликда 600-700 килограмм гумус, 100-120 килограмм азот, 150-160 килограмм фосфор, 210 килограмм калий элементлари ҳам ювилиб кетади.

Шунинг учун ҳам, республикамиз аҳоли сони ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир киши бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини камайтирмасдан, балки ошириб бориш, аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни кўпайтириш — энг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Айниқса, суғориладиган ерларнинг экологик ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш билан аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имконияти яратилади.

Тупроқ ризқ-рўзимиз манбаи бўлганлиги сабабли, у битмас-туганмас бебаҳо хазинадир. Кейинги йилларда экинлар ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетди, тупроқ унумдорлиги камайиб бориш жараёни давом этмоқда. Халқимизда ер тақдири — эл тақдири деган гап бор. Ер элни бойитади, эл ҳам ерни сақлаши, авайлаб-асраши ва бойитиб бориши керак. Бу гап кўпинча деҳқончилик билан шуғулланадиган фермерларимизга тааллуқлидек туйилса-да, аслида ҳаммамизга бирдек дахлдордир.

Бугунги кунда «тупроқ унумдорлигини ошириш» ибораси ўрнига «тупроқни соғломлаштириш» иборасини ишлатиш жоиз. Тиббиётдан маълумки, тупроқнинг таркибида айрим макро ва микроэлементларнинг етишмаслигидан инсонларда турли касалликлар келиб чиқади. Масалан, тупроқ таркибида кальций етишмаса, суяк ва асаб, йод етишмаса, бўқоқ, темир етишмаса, камқонлик ва бошқа касалликлар келиб чиқади. Демак, биз инсониятни соғломлаштиришимиз учун аввало тупроқни соғломлаштиришимиз зарур. Хўш, тупроқни қайси йўллар билан соғломлаштириш имкониятлари мавжуд, унинг унумдорлиги деганда нимани тушуниш керак?

Унумдорлик деганда тупроқнинг ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши, ҳосил бериши учун зарур озуқ элементлар, сув билан таъминлаш қобилияти тушунилади. Шунингдек, ўсимликларнинг илдиз қисмларини етарли миқдорда ҳаво, иссиқлик ва қулай физик-кимёвий муҳит ва бошқа барча шарт-шароитлар билан таъминлаш ҳам тупроқ унумдорлигининг зиммасига тушади. Биринчи навбатда унумдорликни ошириш учун тупроқнинг таркибида органик модда, яъни гумуснинг миқдорини ошириш зарур. Бунинг бирдан-бир манбаи экин майдонларига ҳар 3-4 йилда бир марта кузги шудгордан олдин гектарига 25-30 тонна ярим чириган гўнг солиб, ер ҳайдалади.

Мамлакатимизда бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Чорваси бор фермер даласини гўнг билан таъминлаш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, ерни соғломлаштирадиган иккинчи масала алмашлаб экишни йўлга қўйишдир. Беда энг яхши алмашлаб экиш экини ҳамда тупроқнинг суғориш эрозиясининг олдини оладиган экин бўлиб, уни «тупроқнинг шифокори» дейиш ўринли. Тупроққа органик ўғит бериш имкониятлари қуйидагилардан иборат. Агар фермер даласига гектарига 30 тонна гўнг солганда, ўртача 300 килограмм азот, 150 килограмм фосфор, 450 килограмм калий, 240 килограмм кальций, шунингдек, темир 2,5 килограмм, бор 240-300 килограмм, марганец 3 килограмм, кобальт 15,6 килограмм, мис 2,3 килограмм, рух 1,5 килограмм, молибден 30 грамм каби микроэлементлар тупроққа келиб тушади. Ушбу тадбирни қўллаш орқали биз тупроқни соғломлаштирамиз, тупроқ ўсимликларни соғломлаштиради, ўсимликлар эса ўз навбатида инсониятни соғломлаштиради. Тупроқни соғломлаштиришнинг яна битта йўли суғориш эрозиясининг олдини олишдир. Суғориш эрозияси деганда тупроқнинг устки унумдор қатламининг нотўғри суғориш натижасида ювилиб кетишидир. Бу ўз навбатида тупроқни йиллар давомида «ориқлатиб» касаллантиради. Бу касалликнинг давоси эса бугунги кунда кенг жорий этилаётган томчилатиб суғоришга ўтишдир.

Тупроқ таркибида кальций етишмаса, суяк ва асаб, йод етишмаса, бўқоқ, темир етишмаса, камқонлик ва бошқа касалликлар келиб чиқади.

Томчилатиб суғориш натижасида 40-50 фоизгача сув тежалади, сувни фильтрацияси ва буғланиши камаяди, даладан оқава сув чиқмайди, тупроқ зичлашиб кетмайди. Энг муҳими, суғориш эрозиясининг олди олинади, ўғитларни тупроққа сув билан бериш орқали ўғитларнинг самарадорлиги 25-30 фоизга ошади, ҳар қандай нотекис жойларда ҳам қўллаб, ҳосилдорликни 50 фоизгача ошириш имкониятлари пайдо бўлади.

Томчилатиб суғориш боғдорчиликда, сабзавотчиликда, пахтачиликда муваффақиятли амалга оширилмоқда. 2018 йилда Иштихон туманидаги «Иштихон нурли давр» фермер хўжалиги томонидан томчилатиб суғориш технологияси асосида пахта етиштирилганда ҳосилдорлик гектарига 29 центнердан 45 центнерга ошган. Оддий усулда суғоришга нисбатан томчилатиб суғорилганда ҳар гектаридан 5 миллион сўмдан зиёд соф даромад олинган. 2019 йилда Самарқанд вилоятида пахтачиликда 3400 гектар майдонда томчилатиб суғоришни жорий қилиш режалаштирилган. Ушбу янги агротехнологиянинг қўлланилишининг ўзи ҳам тупроқни соғломлаштирадиган асосий тадбирлардан бири ҳисобланади.

Қадимдан ҳам бизнинг ота-боболаримиз дуккакли экинларни севиб истеъмол қилган. Бу экинлар қаторига қимматли оқсил ва мойга бой бўлган соя ўсимлиги ҳам кириб келди ва катта майдонларга экилмоқда. Бу маҳсулотлар инсоннинг оқсил ва микроэлементларга бўлган талабини қондиришда асосий роль ўйнайди. Бундан ташқари, дуккакли ўсимликлар ҳар гектар тупроққа ўртача 250-400 килограмм соф биологик азотни тўплаб уни соғломлаштиришга хизмат қилади. Демак, оқсилга бой дуккакли ўсимликлар тупроқни ҳам, ўсимликни ҳам, инсониятни ҳам даволашга бирдек хизмат қиладиган экиндир.

Хулоса қилиб айтганда, тириклик ва тирикчилик манбаи бўлган она тупроқни авайлаш-асраб, уни муҳофаза қилиш, ундан оқилона ва самарали фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, келажак авлодларимизга соғлом, унумдор тупроқни қолдириш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Тупроқни соғломлаштириш бу инсониятни соғломлаштириш билан баробар қийматга эга бўлган энг эзгу ишдир. Бу борада ерлардан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш бўйича юқорида таъкидлаб ўтилган тадбир ва тавсияларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шоди ХОЛИҚУЛОВ,
Мингжигит АБДУРАҲИМОВ,
Самарқанд давлат университети профессорлари.

Зиёрат, дам олиш ва саёҳат мақсадларида ташриф буюраётганларга

арзон ва қулай бўлиши учун туристик объектлар атрофида оилавий уй-меҳмонхоналари ташкил этилмоқда

АНЖУМАН

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан «Дам олиш туризмининг ривожланиши, дам олиш зоналарида яратилган шароитлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда республикамиз ҳудудларида аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун дам олиш туризмини ривожлантириш, дам олиш зоналарида зарурий шароитларни яратиш борасида амалга оширилган амалий ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

— Ўтган вақт мобайнида қўмитанинг Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази томонидан дам олиш туризмини ривожлантириш, бу борадаги ишларни тартибга солиш, ташриф буюрувчилар ва туристлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат стандартлари, жумладан, туризм хизматлари, пляж фаолиятига доир талаблар ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилди, — дейди **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари в.б Саидакбархон Акбаров.** — Мазкур стандарт туристлари ва ташриф буюрувчиларга пляж хизматларини таклиф қилувчи тадбиркорлар учун умумий талаб ва тавсияларни белгилайди. Шунингдек, бугунги кунда Тошкент, Навоий, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг сўлим гўшалари, тоғ ёнбағирларида, сув ҳавзалари яқинида жойлашган 4 дам олиш зонаси, 4 кемпинг, 2 туристик оромгоҳ ва 2 ўтовли лагерда давлат стандартлари жорий этилиб, қўмита томонидан тегишли сертификат берилган. Ушбу стандартлар асосида дам олиш зоналарида хавфсизликни таъминлаш, зарур шароитларни яратиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Яна шуни айтиш мумкинки, ҳудудларга зиёрат, дам олиш ва саёҳат мақсадларида келаётган кишиларга янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида уларга арзон ва қулай бўлиши учун туристик объектлар атрофида оилавий уй-меҳмонхоналар ташкил этилмоқда. Ҳозирда республикада фаолият юритаётган ягона реестрга киритилган оилавий меҳмонхона-уйларнинг умумий сони 346 тани ташкил этиб, улардан 245 таси жорий йилнинг январь ва май ойларида ташкил этилган. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, айни кунга қадар фаолияти йўлга қўйилган 79 меҳмонхона-уйлари айнан дам олиш зоналари, пансионат ва санаторийлар атрофида жойлашган.

Бу ҳам ўз навбатида дам олишга келаётганларга хизмат кўрсатувчи маҳаллий аҳоли вакиллари учун қўшимча иш ўринлари яратади, улар турмуш даражаси ошишига хизмат қилади.

— Президентимиз томонидан 2019 йил 2 май куни ўтказилган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини республикамиз ҳудудида амалга ошириш натижадорлиги тўғрисида»ги видеоселектор мажлисида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 13-16 май кунлари қўмитанинг масъул ходимлари ва ҳудудий бўлинмалари вакиллари

томонидан ҳудудларда меҳмонлар учун уйлар ташкил қилиш бўйича туман, маҳалла, қишлоқлар кесимида аҳоли билан учрашувлар ташкил этилиб, уларга меҳмон уйларини ташкил этиш тартиблари, туризм соҳасида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун белгиланган имтиёзли банк кредитлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўказилди, — дейди **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Тўлқин Алиқулов.** — Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 вилоятда амалга оширилган тарғибот ишлари натижасида республикамиз бўйича жорий йилнинг 13-18 май кунлари 49 оилавий меҳмон уйи фаолияти йўлга қўйилиб, ягона реестрга киритилди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда республика миқёсида 500 дан ортиқ фуқаро оилавий меҳмон уйи ташкил этиш истагини билдирган ва уларга қўмита томонидан зарурий методик кўрсатмалар ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Дам олиш зоналари ва санаторийларда туристик хариталарни ўрнатиш, ҳудудларнинг туризм салоҳиятини кўрсатувчи тарқатма материалларни жойлаштириш бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилди. Масалан, Сурхондарё вилояти Бойсун туманида жойлашган «Омонхона» санаторийсининг кириш жойида «Бойсун туманининг туристик салоҳияти» харитаси ўрнатилди. Бошқа ҳудудлар кесимида ҳам шундай хариталар тайёрланмоқда. Шунингдек, Тошкент вилоятидаги «Чорвоқ» эркин туризм зонаси, Наманган вилоятидаги «Нанай» кичик туризм зонаси, Сурхондарё вилоятидаги «Зовбоши» туризм зоналарининг ишга туширилиши билан аҳолининг дам олиши учун янги йўналиш ва қулайликлар яратилади.

Тадбирда мутахассислар томонидан келгусида республикамизда дам олиш туризмини янада ривожлантириш учун тарғибот-ташвиқот ишларининг қамрови кенгайтирилаётгани, туризм ахборот марказлари ташкил этилаётгани, йўл кўрсаткичлари ва туристик хариталарни ўрнатиш бўйича ишлар давом эттирилаётганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Сарвиноз ЖУМАЕВА

БИЛАСИЗМИ?

ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМИ

қандай ҳолда ҳайдовчидан транспорт воситаси кабинасидан чиқишини талаб қилишга ҳақли?

Қуйидаги ҳолларда йўл-патруль хизмати ходими ҳайдовчи ёки йўловчилардан **транспорт воситаси кабинасидан чиқишини** талаб қилишга ҳақли:

— транспортдаги техник носозликни ва юк ташиш қоидаси бузилганлигини бартараф этиш мақсадида;

— ҳайдовчи транспортни маст ҳолда бошқараётган деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлганда;

— транспортнинг двигатель ва агрегат қисмлари рақамларини рўйхатлаш ҳужжатларида ёзилган рақамлар билан фарқ аниқланган тақдирда бевосита ҳайдовчи иштирокида солиштириш мақсадида;

— транспорт воситасига тегишли ҳужжатлар ёки унда олиб кетилаётган юк ҳужжатлари мавжудлигини текшириш зарурати юзага келганда;

— ҳайдовчи ёки йўловчи жиноят содир этганликда гумон қилинаётганда;

— ҳайдовчининг транспорт воситаси кабинасида бўлиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солиши (чарчоқлик ва бетоблик) мумкин бўлган ҳолларда.

НУҚСОНЛИ ТОВАР СОТИЛГАНДА

истеъмолчи ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли

Нуқсонли товар сотилганда истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, **ўз хоҳишига қараб** қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

— товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

— товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

— товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки нуқсонларни бартараф этишга қилинган харажатларни қоплаш;

— харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;

— шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

ХОРИЖГА ЧИҚИШ БИОМЕТРИК ПАСПОРТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН

паспорт столига қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Фуқаролар **хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун** маълумотларни йиғиш пунктига (паспорт столига) қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— ариза-анкета;

— биометрик паспорт ёки ID-карта ёхуд 16 ёшга тўлмаган фуқаролар учун туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

— илгари берилган хорижга чиқиш биометрик паспорти (мавжуд бўлган тақдирда);

— ваколатли органнинг қарори (хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида);

— ҳарбий гувоҳнома ёки бошқа ҳужжат — ҳарбий хизматга мажбурлар учун;

— давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция (243 минг 276 сўм, 16 ёшга етмаганлар учун 162 минг 184 сўм);

— ота-оналар, васийлар (ҳомийлар)нинг фуқаронинг хорижга чиқишига нотариал тасдиқланган розилиги — вояга етмаганлар учун;

— фуқарога ҳамроҳлик қилувчи шахснинг нотариал тасдиқланган мажбурияти — вояга етмаганлар учун.

БЕМОР ТИББИЙ ЁРДАМ СЎРАБ МУРОЖААТ ҚИЛГАН

ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— шифокорни ва шифохонани танлаш;

— санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

— ўз илтимосига кўра бошқа мутахассислардан маслаҳатлар олиш;

— тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;

— тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

«МЕН ТУҲМАТГА ҚОЛДИМ»

Бундан 10 йил муқаддам Жиноят кодексининг 8 та моддаси билан айбланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган янгийўллик Шоира Сулаймонова адолат қарор топишига ишониб, ҳамон курашмоқда.

У таҳририятимизга келиб, бир даста ҳужжатни стол устига қўяр экан, дардини айтди:

— Мен эксперт вазифасида 11 йилдан ортиқ вақт ишлаб, прокуратура, ИИБ ходимлари ва бошқалар билан ҳеч қандай зиддиятга бормаганман. Ўз вазифаларимизни қонун доирасида бажарганмиз. 2008-2009 йиллар оралиғида Янгийўл шаҳар прокурорининг собиқ ўринбосари Фаррух Боқиев томонидан менга, мен билан бирга ишлайдиган суд тиббий экспертларга тазйиқ ўтказила бошланди. Фаррух Боқиев ишимизга асоссиз аралашиб, ўтказилган экспертизаларга шубҳа, гумон билан қараб, тўлақонли фаолият олиб боришимизга тўсқинлик қила бошлади. Тортишиб қолган пайтларимиз бўлган.

Фаррух Боқиев мени танийдиган одамларга очиқдан-очиқ «Сулаймонова Шоирани бир ҳафтада «подстова» қилиб бўлса-да, қаматтираман. Кейин у билан ўзим бошқачасига гаплашаман», деган. Шундан кейин Фаррух Боқиевнинг мендан қасд олиш учун қилаётган ҳатти-ҳаракати хусусида Тошкент вилоят, Янгийўл шаҳар прокурорига ҳамда бошқа ташкилотларга ёзма равишда мурожаат қилдим.

Бироқ аризаларимга эътиборсиз қаралди. Фаррух Боқиев эса мен билан қасдлашиб қолди. Шаҳар прокурорининг собиқ ўринбосари мендан ўч олиш учун ўзига бевосита бўйсунувчи ИИБ ходимларидан 2009 йил 5 июнь куни туҳмат ва бўҳтондан иборат кўрсатмалар ёздириб олган... Менга қасддан уюштирилган фитна сабаб судландим. 10 йилдан буён адолат излаб юрибман... Ноҳақ айбландим. Илтимос, ҳужжатларни диққат билан кўриб чиқинглар, менга ёрдам беринглар.

Шоира Сулаймонова 2008 йил 26 февралдан 2009 йил июлгача Янгийўл туман ва шаҳар суд тиббий экспертиза бўлинмаси мудири лавозимида ишлаган. 2009 йил 20 июлда Бўка туманлараро суд тиббий экспертиза бўлинмаси мудирлигига ўтказилган. Шоира Сулаймонова Бўкада ишлаб юрганда, унга нисбатан август ойида жиноий иш қўзғатилган ва 2009 йил 25 сентябрда қамоққа олинади.

Янгийўл туман ва шаҳар СТЭ бўлинмаси мудираси Шоира Сулаймонова мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, ўлим ҳолатлари бўйича нотўғри хулоса берганликда, тергов ишларига аралашганликда, товламачиликда, «АКFА» ром учун пул сўраганликда, экспертиза хулосаларини вақтида тақдим этмасдан уяли телефонига пул ўтказиб бериш ҳамда 200 АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилганликда айбланган.

Шоира Сулаймонова қамоққа олинган 2009 йил 25 сентябрь кунини ўша пайтда Бўка туманлараро суд тиббий экспертизаси бўлинмасида санитарка бўлиб ишлаган Музания Вагизова шундай хотиралайди:

— 2009 йил 25 сентябрь куни ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша куни хонамизга 15 нафарга яқин формали, формасиз кишилар кириб келишди. Худдики, қидирувда юрган ашаддий жиноятчини ушлаш учун келгандай ўзларини тутишди. Бир аёл учун 15 нафар эркакнинг Янгийўлдан Бўкага келиб, қўлига кишан солиб олиб кетиши, жуда ғалати, эриш туюлди. Мен Шоирани ишчан, виждонли, ўз касбини пухта биладиган эксперт сифатида биламан. Эшитишимча, Шоира Фаррух Боқиевнинг ноқонуний талабларини бажармаган экан. Ўч олиш учун Шоирани қаматтирди. Ғараз, хусумат ёмон нарса... Сулаймоновлар оиласи чеккан азобни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Бу бир гувоҳнинг фикри, албатта.

Энди Шоира Сулаймоновага қўйилган айбловлар хусусида фикр юритсак. Қўлимизда 2009 йил 6 июнь куни Янгийўл туман ИИБ бошлиғи ҳамда унинг ўринбосарлари имзо чеккан хат бор. Унда жумладан, шундай сўзлар ёзилган: «Янгийўл туман ички ишлар бўлими Янгийўл шаҳар ва туманлараро суд тиббий экспертиза бош шифокори Ш.Сулаймоновага ижобий фикр билдиради. Биз томонимиздан юборилган иш материаллари ўрнатилган тартибда ва белгиланган муддатларда қонуний ечимини топишда ушбу раҳбар ходим томонидан назорат олиб борилган. Ш.Сулаймоновага нисбатан Янгийўл туман ИИБ томонидан эътироз ва шикоятлар мавжуд эмас.»

Чиноз тумани ИИБ раҳбарияти томонидан берилган маълумотномани ўқиймиз: «Чиноз тумани ИИБ ушбу маълумотномани шу ҳақда берадики, эксперт Ш. Сулаймонова ҳеч қачон Чиноз тумани аҳолиси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан зиддиятга бормаган ва унинг устидан шикоятлар тушган эмас».

Худди шундай ижобий маълумотнома ИИВ Транспорт ички ишлар бошқармаси томонидан ҳам берилган. Демак, Шоира Сулаймонова мансаб ваколатини суиистеъмол қилгани ёки экспертиза бўйича нотўғри хулосалар бергани тўғрисида муқаддам шикоятлар бўлмаган. Фақат Фаррух Боқиев назорат қилувчи Янгийўл шаҳар ИИБ ходимари бундай хулоса бермаганлигини тушуниш қийин эмас.

— Менга оид қўзғатилган жиноят ишида гўёки, ўлим ҳолатлари бўйича нотўғри хулоса берганмишман. Бу мутлақо нотўғри, — дейди



Шоира Сулаймонова. — Марҳум Ш. Қаюмов ва Р.Абдуқулов мурдалари бўйича экспертиза қонун доирасида ўтказилган. Буни исботловчи прокурор ва терговчилар, иштирокчилар томонидан тузилган далолатнома бор. Қолаверса, марҳумларнинг қариндошлари томонидан менга нисбатан даъво ва эътирозлар билдирилмаган. Қандай қилиб, прокуратура, айнан Фаррух Боқиевнинг ўзи тасдиқлаган хулоса 1,5 йилдан кейин бирданига нотўғри бўлиб чиқяпти?!

Яна бир гап. «Иш»да «комиссион экспертиза» хулосаси бор. Аслида у комиссион экспертиза эмас. Республика собиқ бош эксперти З. Ғиёсовнинг прокуратурага берган хатида менинг хулосаларим бўйича Тошкент вилоят СТЭ экспертлари экспертиза ўтказишлари мақсадга мувофиқ эмас.

Мени тергов ишларига аралашганликда айблаганликлари ҳам мантиққа зид. Бу ерда ҳам Фаррух Боқиевнинг «қўли» бор. Чунки у ўзига хизмат юзасидан бўйсунувчи икки нафар терговчидан менга қарши ариза ёздириб олган. Айтишим керакки, экспертлар иш юзасидан терговчилар билан доимий мулоқотда бўлади. Мужмал гапдан ташқари менинг тергов ишларига аралашганим ёки тўсқинлик қилганлигимни исботловчи далил йўқ-ку.

Шу ўринда савол туғилади: Агар тергов ишига Ш. Сулаймонова аралашган бўлса, нима сабабдан ўз вақтида тегишли баённома тузилмаган?

— Судда исботини топмаган яна бир айбловга тўхталсам. Менга қарши кўрсатма берган М. Абдуллаева билан аслида биз опа-сингилдек эдик, — дея гапида давом этди Шоира Сулаймонова. — Унинг иши терговда бўлганлиги сабабли Фаррух Боқиев бу аёлни ҳам қўрқитиб, менга қарши кўрсатма ёздириб олибди. Қизиқ томони шундаки, мен М.Абдуллаевадан насияга, қарзга узук сотиб олган эдим. У узук пулини сўраб, бир неча бор телефон қилган ва олдимга ҳам келиб кетган. Вақтида узук пулини тўламаганим учун қўшимчасини ҳам бергандим. Судда М.Абдуллаева Ф.Боқиевнинг тазйиқи остида менга қарши нотўғри кўрсатма берганлигини тан олди.

«АКFА» ром учун пул сўради, экспертиза хулосаларини вақтида тақдим этмасдан уяли телефонига пул ўтказиб беришини сўради, деган айбловга ҳам қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, ҳеч қандай далил-исбот йўқ. Иккинчидан, эътибор беринг, бу «жиноий ҳаракатлар» санасига, ҳаммаси бир кунда ёзилган.

Яна бир қизиқ томони шундаки, Шоира Сулаймоновага қарши кўрсатма берганларнинг аксарияти ички ишлар бўлими терговчилари ёки профилактика инспекторлари!

Айтайлик, Шоира Сулаймонова ИИБ ходимларига ноқонуний талабларни қўйган бўлсин. Нега унда терговчи ва профилактика инспекторлари бу ҳақда раҳбариятига ёзма равишда мурожаат қилиб, Ш.Сулаймоновага нисбатан қонуний чораларни кўрмаган? Яна бир гап. ИИБ ходимларининг прокурор ўринбосарига билдиргисида 2-3 ой, ҳатто 6 ой олдин Шоира Сулаймонова «сотка»сига пул «ташлагани» эсига тушиб қолгани таажжубли. Энди охирги айбловга тўхталсак. И.Пўлатова жанжал оқибатида тан жароҳати олади. Шоира Сулаймонова унинг тан жароҳати даражасини оғирлаштириб бериши эвазига И.Пўлатованинг қонуний вакил С.Тўхтаевдан пора талаб қилганмиш.

— Кўчада, — дейди Ирода Пўлатова, — Саъдулла ака (С.Тўхтаев назарда тутиляпти) бир аёл билан учрашиб қолди. Улар гаплашди. Машинага ўтириб, қайтаётганимизда ҳалиги аёл хусусида Саъдулла акадан сўрадим. Экспертизада ишлайди, деди у. Шоира Сулаймоновани умуман танимайман. Пул сўраганини эшитганим ҳам йўқ. Қолаверса, суд ҳужжатларида менинг гапларим нотўғри ёзилган...

Ана сизга натижа, хулоса.

Шоира Сулаймонованинг жазони ўтиб қайтганига анча бўлди. 10 йил муқаддам Жиноят кодексининг қатор моддалари билан айбланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган Шоира Сулаймонова айбим йўқ, дея 10 йилдан буён ёзади. Тегишли жойларга мурожаат қилади. Ҳатто 2014 йилда Шоира Сулаймонова собиқ Бош прокурор Р. Қодировнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари ҳақида судга мурожаат қилган...

— Менга қўйилган барча айбловлар мажбуран ёздириб олинган. Бир пайтлар менга қарши кўрсатма берганлар бугун қилган ишларидан афсусланиб, кечирим сўраб юришибди, — дейди Шоира Сулаймонова.

Унинг аччиқ қисмати кишини ўйга толдиради. Аёл киши, икки фарзандли она қамоққа олинди, оиласидан, жамиятдан ажратилди. 3 йил қамоқда сақланди. Ўйланиб қоласан киши, аёл кишини, икки нафар болали онани айбдор қилаётган, унга ҳукм чиқараётганлар нахотки, раҳмшафқатни билмайди? У қандай оғир жиноятларни қилган эдики, қамоққа ташлансин? Эҳтимол, ростдан ҳам ғараз, хусумат устун келгандир? Энди ҳаёт ўзгарди. Шоира Сулаймонова ҳам ана шу ўзгаришларни ўз ҳаётида кўргиси келади...

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Беш нафар шахс ушланди



Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида 2019 йил 27 майга ўтар кечаси номаълум шахслар Қушхона маҳалласида яшовчи З.Э.нинг уйи ертўласидан 90 миллион сўм пули ва 500 АҚШ долларини ўғирлаб кетган.

Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни Бўстон маҳалласида яшовчи Ш.А., Қушхона маҳалласида яшовчи Ж.Х., Хабарлик маҳалласида яшовчи М.Ў., Хўжахуросон маҳалласида яшовчи Д.Р. ва Хўжахуросон кўчасида яшовчи А.А.лар содир этганликлари аниқланиб, ушланган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

«Қорадори-2019» тадбирида...

Жорий йил 30 май куни ўтказилган «Қорадори-2019» кенг қамровли тадбири доирасида, Тошкент шаҳар Сергели тумани 8-даҳасида жойлашган автобуслар бекати олдида, Яшнобод туманида яшовчи 49 ёшли Д.С. қўлида бўлган пакетда 3 кг. 147 гр. «марихуана» гиёҳвандлик моддасини олиб кетаётган вақтида қўлга олинди.

Жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

10 000 АҚШ долларини олган «шакарчи»

2019 йил 31 май куни Тошкент шаҳар ИИББ ТБдан тушган ҳужжатлар тўпламига кўра, шу йил 3 май куни Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида яшовчи 53 ёшли Б.К. Алимкент 1-тор кўчасида, 57 ёшли П.М.га шакар маҳсулотлари билан олди-сотди қилишини айтиб, ундан 10 000 АҚШ долларини олган ва ушбу пулларни вақтида қайтармасдан ўз эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборганлиги аниқланган. Ҳолат юзасидан Жиноят иши қўзғатилиб, Б.К. ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мотоцикл ҳайдовчиси вафот этди

2019 йил 1 июнь куни номаълум ҳайдовчи «Матиз» русумли автомашинасини Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа тумани Амиробод ОФЙ ҳудудидан ўтувчи ички йўлда ҳайдаб кетаётиб, йўл четида тўхтаб турган Коинот маҳалласида яшаган 26 ёшли Н.С. бошқарувидаги «Восход» русумли мотоциклни уриб юборган.

Номаълум шахс воқеа жойидан қочиб кетган. Натижада мотоцикл ҳайдовчиси касалхонага олиб кетилаётган вақтида вафот этган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Кўрилган чоралар натижасида ушбу йўл-транспорт ҳодисасини Элликқалъа тумани Сарибий ОФЙда яшовчи 31 ёшли Р.С. бошқарувидаги «Матиз» русумли автомашинасида содир этганлиги аниқланиб, ушланган. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Қайнота ва келин жанжали

2019 йил 2 июнь куни Хоразм вилоятининг Боғот туманида яшовчи 27 ёшли Ш.И. маст ҳолда уйида ўзаро жанжал оқибатида бирга яшаган қайнотаси 50 ёшли Р.Л.га пичоқ билан жароҳат етказган.

Натижада Р.Л. касалхонага ётқизилган ва кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай вафот этган. Жиноят иши қўзғатилиб, Ш.И. ушланган. Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нилуфар ТЎРАХОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси катта инспектори, лейтенант.

«Яшил иқлим жамғармаси»

иқлим ўзгаришлари олдини олишга ёрдам беради

Ўзбекистон Миллий матбуот анжуманида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази «Яшил иқлим жамғармаси билан ҳамкорликни ривожлантириш» мавзуида матбуот анжумани ва давра суҳбати ўтказди. Тадбирда республика вазирлик ва идоралари вакиллари, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Маълумки, иқлим ўзгариши замонамизнинг энг глобал таҳдидларидан бирига айланган. Жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, кузатувлар тарихидаги энг илиқ 20 йил сўнгги 22 йилга, энг иссиқ тўрт йил эса охирги тўрт йилга тўғри келган. Иқлим ўзгаришининг бошқа фаол белгиларини ҳам кузатиш мумкин. Денгиз сатҳининг кўтарилиши, музликларнинг эриши, ер куррасининг барча минтақаларида кузатилаётган экстремал метеорологик ҳодисалар (сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқалар) бунга далилдир.

Ўзбекистонда ҳам ўтган асрнинг ўрталаридан иқлимнинг мунтазам исиб бориши кузатилмоқда ва ҳар 10 йилда ўртача йиллик ҳарорат +0,29 даражага ошиб бормоқда.

– Яшил иқлим жамғармаси (ЯИЖ) глобал миқёсдаги ташаббус бўлиб, у кам-углеродли ва иқлимий барқарор ривожланишни молиялаштириш орқали иқлим ўзгариши масалаларини ҳал этишга қаратилган. Жамғарма ривожланаётган мамлакатларда иссиқхона газлари ажратмаларини қисқартиришга ҳамда ҳимояга муҳтож ҳамжамиятларнинг иқлим ўзгаришининг муқаррар оқибатларига мослашишига ёрдам бериш мақсадида 2010 йил Канкун шаҳрида 194 мамлакат ҳукуматлари томонидан ташкил этилган. Бош қароргоҳи Кореянинг Сонгдо шаҳрида жойлашган. Ўзбекистонда ЯИЖ билаш ишлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ваколатли орган ҳисобланади.

Матбуот анжуманида ЯИЖга тақдим этиш учун 3 та лойиҳа тайёрлангани, булар миллий мослашиш режасини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигини агрометеорологик таъминлаш ва иқлимга боғлиқ табиий офатлар хавфини камайтириш масалалари билан боғлиқлиги айтилди. Шунингдек, ЯИЖ билан ҳамкорлик, ЯИЖ мабларғини олиш учун лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқишда миллий ташкилотларга кўмак бериш, иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини енгиллаштириш ҳамда иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича халқаро тажриба ва мавзуга оид бошқа масалалар муҳокама этилди.

Мунозаралар давомида иштирокчилар фикр алмашиб, ОАВ вакиллари саволларига жавоб олишди.

Дилдора ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2019 йил 4 июль куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 9-уйда жойлашган «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Хўжалик жамияти номи	Хўжалик жамияти		Сотилаётган улушнинг хўжалик жамияти устав фондидаги фоизи	Аукционга қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси (сўм)	Савдода иштирок этиш учун закалат пули миқдори (3-5%)
		манзили	асосий фаолият йўналиши			
1.	«SHAVOT GRAND PLAZA» УК	Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонка кўчаси, 1-уй	Замонавий меҳмонхона хизматларини амалга ошириш	100 фоиз	17 096 257 600,0	512 887 728,0
2.	«SO'X CAPITAL TEKS» МЧЖ	Фарғона вилояти, Сўх тумани, А.Темур кўчаси	Текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш	93,75 фоиз	268 890 900,0	13 444 545,0
3.	«YANTEX INVEST» МЧЖ	Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Остона қишлоғи	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	98,32 фоиз	16 549 423 800,0	496 482 714,0
4.	«PESH TEX INVEST» МЧЖ	Бухоро вилояти, Пешқу тумани, «Зандани» ҚФЙ, Зандана қишлоғи	Текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш	100 фоиз	10 752 984 300,0	322 589 529,0

Сотувчи томонидан белгиланган очиқ аукцион шартлари:

Аукцион ғолиби улуши сотилиш баҳосининг:

1. «SHAVOT GRAND PLAZA» УК – бўнак пули (аванс) сифатида камида **15 (ўн беш)** фоиз миқдоридаги қисмини олди-сотди шартномаси асосида **30 (ўттиз) банк иш куни** ичида, қолган қисмини эса **84 (саксон тўрт) ой** муддат ичида;

2. «SO'X CAPITAL TEKS» МЧЖ – бўнак пули (аванс) сифатида камида **15 (ўн беш)** фоиз миқдоридаги қисмини олди-сотди шартномаси асосида **30 (ўттиз) банк иш куни** ичида, қолган қисмини эса **36 (ўттиз олти) ой** муддат ичида;

3. «YANTEX INVEST» МЧЖ – бўнак пули (аванс) сифатида камида 15 (ўн беш) фоиз миқдоридаги қисмини олди-сотди шартномаси асосида **30 (ўттиз)** календар куни ичида, қолган қисмини эса **84 (саксон тўрт) ой** муддат ичида;

4. «PESH TEX INVEST» МЧЖ – бўнак пули (аванс) сифатида камида **15 (ўн беш)** фоиз миқдоридаги қисмини олди-сотди шартномаси асосида **30 (ўттиз)** календар куни ичида, қолган қисмини эса **84 (саксон тўрт) ой** муддат ичида сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорнинг мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши сифатида тўлаган закалат пули шартнома суммасига киритилади.

Харидор улушни ўз номига расмийлаштириш учун монополияга қарши курашиш органларидан белгиланган тартибда рухсатнома олиши шарт.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар, юқорида кўрсатилган закалат пулини, Аукцион ташкилотчиси – «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 302071274, 20208000704929318001 ҳисоб рақамига тўлашлари лозим.

Аукционда иштирок этиш учун буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **1 (бир) кун аввал соат 18:00да** тўхтатилади.

Мазкур улушлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу улуши сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар, уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган савдо кунлари соат 15:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖ: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси, 9-уй; телефон (78) 120-39-00.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; телефон: (71) 233-02-49; телефакс: (71) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357

Яширмайман, терма жамоада етакчи бўлишни хоҳлайман.

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ёки соғлом турмуш тарзига амал қилмаслик касалликларга сабаб бўлиши ҳақида

Статистик маълумотларга кўра, деярли ҳар икки аёлдан бирининг ҳаётида ҳеч бўлмаганда бир марта пешоб йўллари инфекцияси касаллиги учраб туради. Кўпинча цистит ёки пиелонефрит кўринишида кечади.

Қовуқда яллиғланишга сабабчи бўлган бактерияларнинг кўпи ичакларда яшайди. Аммо пешоб чиқариш канали ташқи тешигининг анатомик жиҳатдан қовуққа яқин жойлашуви туфайли бактериялар қовуқ ичига кириб, у ерда яллиғланишни келтириб чиқаради. Шу ўринда айтиш жоиз, қовуққа инфекция тушишига шамоллаш ёки шахсий гигиена қоидаларининг бузилиши сабаб бўлади.

Мазкур касалликнинг аломатлари қузатилганда суюқлик ичишни кўпайтириш зарур. Айниқса, морс ёки ўтлардан дамламалар тайёрлаб ичилса яна ҳам яхши бўлади. Суюқлик қанчалик кўп чиқиб кетса, бемор инфекциядан шунчалик тез фориғ бўлади.

Қовуқ соҳасида қуруқ иссиқдан фойдаланиш мумкин. Лекин шифокор билан албатта маслаҳатлашган маъқул. Дори воситаларини қабул қилишдан олдин ҳам уролог ёки терапевтга мурожаат қилиш талаб этилади. Даво учун препаратларнинг миқдори ва қўллаш тартибини шифокор белгилайди. Циститнинг аломатлари одатда, 2-3 кунда йўқолади, бутунлай соғайиш 5 кунда қузатилади.

Цистит вақтида даволнмаса пиелонефрит ривожланиши хавфи юзага келади. Бунда инфекция юқорига кўтарилиш йўли билан буйракларга тарқалади. Тана ҳароратининг кўтарилиши ҳамда бел соҳасидаги оғриқлар пиелонефритнинг ўзига хос белгилари ҳисобланади.

Бу ўринда дарҳол шифокорга мурожаат қилиш керак. Баъзан, ҳатто урология бўлимида даволаниш зарур бўлади.

Шу ўринда диққатингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Турли дори воситаларини ўз билганича қўллаш беморларнинг аҳволи янада оғирлашишига олиб келади.

Инсон танаси Оллоҳнинг марҳамати билан бенуқсон, мукаммал яратилган. Биз жуда кўп касалликларни пайдо бўлиши ва сурункали давом этишига ўзимиз сабабчи бўламиз. Энг аввало соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тўғри овқатланиш, спорт билан шуғулланиш натижасида жуда кўп касалликларни бартараф этса бўлади. Унутманг, саломатлигимиз аввало ўз қўлимизда.

Собир БАБАТАЕВ,
1-Республика клиник шифохонасининг олий тоифали шифокор-урологи.

Майдонда ўзининг чаққон ва чапдаст ҳаракатлари билан ажралиб турадиган, бугунги кунда «Пахтакор» жамоаси ҳамда миллий терма жамоанинг асосий ўйинчисига айланиб улгурган Жалолиддин МАШАРИПОВ билан суҳбат.

«Орзуим – Европада ўйнаш»

— Нимага айнан спортнинг футбол турини танлагансиз? Умуман олганда, футболга кириб келишингиз қандай бўлган?

— Болалигимда маҳалламиз кўчаларида футбол ўйнаб юрардим. Бу мен учун доимо завқли бўлган. Ўзимдан катталар билан ҳам курашишга, тенгма-тенг ўйнашга ҳаракат қилардим. Мактабга чиқа бошлаганимдан сўнг эса жисмоний тарбия устозим дарсдан кейин футболга қизиқадиган болаларни тўплаб, футбол ўйнатарди. Буларнинг ҳаммаси менда футболга ҳавас уйғотган.

— Оилангиздагилар футболчи бўлишингизга қаршилик қилишмаганми?

— Йўқ, қаршиликлар бўлмаган. Акам — Жамолиддин Машарипов мени доимо қўллаб-қувватлаб турган. Ҳатто, футболга ҳам бирга борардик.

— Қийналган пайтларингизда ёки жароҳат сабабми, футболдан кетишни ўйлаганмисиз?

— Жароҳатлар масаласига келсак, албатта, бўлган. Лекин ҳар доим уйдагиларга билдирмасликка ҳаракат қилардим. Футбол мактабида ўқирдим. Уйдагилар билан кам кўришардим. Асосан, телефонда гаплашардик. Жароҳатим борлигини эса айтмасдим. Агар билиб қолишса, оёғинг синади, ногирон бўлиб қоласан деб, футболчи бўлишимга қаршилик қилишлари мумкин, деб ўйлардим. Ахир ҳар бир ота-она учун фарзанди жонидан ҳам азиз-ку.

— Ўсмирлар, ёшлар, олимпия терма жамоаларида кўпинча захирада бўлардингиз. Ўша пайтларда бу сизга қандай таъсир қилган?

— У пайтларда ўзим тенгиларга кучим етмаслигини билардим. Улар мендан кучли эди, бироқ, ақл ва фикрлаш жиҳатдан улардан ортда эмаслигимга ишонардим. Ўша пайтларда жуда ҳам сиқилиб юрардим, нега мени ҳеч омадим юришмайди, деб ўйлардим. Мураббийларим эса «Жалол, сенда истеъдод бор. Сенга фақат, куч керак, холос» дейишарди. Тушкунликка тушмасдан астойдил шуғулланишимни айтишарди. Ва мен ўз устимда тинмасдан ишлардим.

— «Пахтакор»га ўтиш қандай бўлган?

— Биринчи мураббийим Олимбой Давлатов билан биргаликда Жиззахда футбол мактаблари ўртасида ўтказилган мусобақага боргандик. Ўшанда «Пахтакор» билан бўлган учрашувда ўзимнинг энг яхши ўйинимни кўрсатдим. Ўйиндан сўнг улардан таклиф тушди ва мен буни дарҳол қабул қилдим.

— Ижтимоий тармоқларда бугунги кундаги терма жамоамизнинг етакчиси ким, деган сўров ўтказилган-да, кўпчилик мухлислар Машариповни 1-ўринга қўйишган. Бунга муносабатингиз қандай?

— Ҳозирги терма жамоамизда Аҳмедов етакчи. Терма жамоа йиғинларида доим бир хонада турамиз. Мендан маслаҳат ва кўмакларини аямайди. Осиёда у кишини ҳамма танийди. Шунга яраша рақибларимиз ҳам ундан ҳайиқишади. Шунинг учун унга ўйин бермасликка ҳаракат қилишади. Бундай пайтларда, биз ўзимизни кўрсатишимиз лозим. Яширмайман, терма жамоада етакчи бўлишни хоҳлайман. Мухлислар кимнидир етакчи дейишса, ундан ўзиб кетишга ҳаракат қиламан. Бу ҳасад эмас, ҳаракат, имкониятларингни кўрсатишга интилиш.

— Устун жиҳатларингиздан бири техник маҳорат, бунинг устида алоҳида шуғулланасизми?

— Ҳимоячиларни доғда қолдириб кетишдан завқланаман. Айниқса, чиройли финт ишлатиб, уларни алдаб ўтиб кетсам, демак, мен тўғри ишлаяпман, деб ўйлайман. Машғулотлардан сўнг ҳам майдонда қолиб, маҳоратимни ошириш учун ишлайман. Яхши техникага эга бўлиш учун режадаги машғулотларнинг ўзи етарли эмаслигини биламан. Истагим шуки, ўзбек футболи мухлислари Месси, Неймар ўйинидан роҳатлангандек, менинг ўйинимдан ҳам роҳатланишсин. Бор-йўғ ниятим шу.

— «Пахтакор»нинг Осиё чемпионлар лигасидаги муваффақиятсизлигига нима сабаб деб ўйлайсиз?

— Саудия Арабистонига боргач, ўзимни ёмон ҳис қилиб бетоб бўлиб қолдим. Иссиғим чиқиб, қон босимим ошди. Шундай бўлса-да, майдонга тушдим. Афсус, имкониятимнинг ярмисини ҳам намойиш этолмадим. Жамоада кўп нарса менга ҳам боғлиқ. Шунинг учун, фақат ўзимни айблайман. Ўйиндан кейин бир неча кун ўзимни койиб юрдим...

— Айбни фақат ўзингизга оляпсиз, аммо ҳимоя ҳам пала-партиш ҳаракат қилди-ку.

— Йўқ, ҳимоячиларга айбни юкламаган бўлардим. Ҳужумда яхши ҳаракат қилмаганимиз учун уларга босим кўп бўлди. Оқибатда, хатога йўл қўйишди.

— Терма жамоаларимиз бош мураббийи Купернинг сиз билан бошқа мураббийлардан фарқли жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?

— Фарқли жиҳатлари кўп. Биласиз, Эктор Купер кўплаб кучли жамоаларда ишлаган. Бу унинг улкан тажриба эгаси эканлигидан далолат беради. Терма жамоа йиғинлари бошланганда, Купернинг машғулотларига шошиламан. Ундан кўп нарса ўрганса бўлади. У халқимизнинг футбол борасидаги азалий орзусини амалга ошира олишига ишонаман ва мен унга астойдил ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Ўйлашимча, жамоамизнинг бошқа аъзолари ҳам Куперга ишонишади.

— Келажақдаги режалар қандай? Реал таклиф тушса, «Пахтакор»ни тарк этишингиз мумкинми? Араб ёки Хитой клубларидан таклиф тушса, қандай муносабат билдирган бўлардингиз?

— Келажақдаги режаларимдан бири бу – Европада ўйнаш. Ҳеч бўлмаганда, аввал Россия чемпионатида қатнашиш, Сўнгра Европанинг кучли клубларига йўл олиш. Араб ва Хитой клубларига келадиган бўлсак, ўйнамайман, деб аниқ айтолмайман. Европа жамоаларидан реал таклифлар бўлишини кутаман. Вақтни бой бераётганимни сезсам, араб ва Хитой клубларига кетишим мумкин, чунки, ҳозирнинг ўзида аниқ таклифлар бор. Яна бир бора айтаман: ҳеч бўлмаса, Россия чемпионатида ўйнашни хоҳлайман.

— Қайси мамлакат чемпионатида ўйнашга кўпроқ қизиқасиз?

— Англияда ўйнаш азалий орзум, Испанияда ўйнаш ҳам ҳам катта шараф.

— Футболдаги энг олий мақсадингиз нима?

— Энг олий мақсадим — терма жамоамиз билан жаҳон чемпионатида иштирок этиш. Жаҳон чемпионатида давлатимиз байроғи ҳилпирашини кўриш.

Маъруф АБДУМАЛИКОВ,
Шерзод НУРМАТОВ
суҳбатлашди.

ТЕННИС

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ УЧУН СИНОВ

Фарғона шаҳридаги «Истиқлол» теннис мажмуасида Халқаро теннис федерацияси тақвимидан жой олган «Фьючерс» туркумига кирувчи мусобақа бошланди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз теннис федерацияси томонидан ўтказилаётган, соврин жамғармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур турнирда дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган юзга яқин теннисчи бош соврин учун курашади.

Мусобақада мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Сабина Шарипова билан биргаликда Нигина Абдураимова, Ясмина Каримжонова, Севил Йўлдошева, Арина Фольц, Валентина Шлейн, Шаҳноза Ҳотамова каби вакилларимиз яккалик ва жуфтлик баҳсларида иштирок этади.

* * *

Бир қатор халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этаётган ҳамюртимиз Сергей Фомин Париж шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтадиган Франция очиқ чемпионатида иштирок этади. У «Катта дубулға»-туркумига кирувчи «Ролан Гаррос»-мусобақасининг асосий тўр баҳслари дастлабки босқичида япониялик Шинтаро Мочияукига қарши кортга чиқади. Шунингдек, Сергей чемпионатнинг жуфтлик баҳсларида бельгиялик шериги Гаузер Онклин билан бирга россиялик Алибек Качмазов ва беларуслик Александер Жгировскийни синовдан ўтказади.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2019 йил 4 июль куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Сирғали тумани, Жанубий саноат ҳудудида жойлашган ХИИ «Ўзиккиламчранглиметалл» АЖ балансидаги бошланғич нархи 86 093 784 сўм бўлган «ВСК-13М» русумли сим чуваш ускунаси (волочильный стан) ҳамда Тошкент ш., Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги 2008 й. и/ч, д/р 01 DA 096, бошланғич нархи 33 000 000 сўм бўлган «Борекс 2302» русумли эксковатр; 1999 й. и/ч, д/р 01 DA 094, бошланғич нархи 7 050 176 сўм бўлган «4014М» русумли юклагич; 1988 й. и/ч, д/р 01/116DCA, бошланғич нархи 13 092 547 сўм бўлган «ГАЗ53-КО503Б»; 1991 й. и/ч, д/р 01/364BCA, бошланғич нархи 6 396 429 сўм бўлган «ГАЗ53»; 1986 й. и/ч, д/р 01/367BCA, бошланғич нархи 35 119 297 сўм бўлган «ЗИЛ130К0002»; 1993 й. и/ч, д/р 01/122DCA, бошланғич нархи 32 014 311 сўм бўлган «СА333508» русумли автомототранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки)** кун аввал соат **18-00да** тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида **20 фоизи** миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР: 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолиби савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаши ҳамда тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, фарқ қилаётган суммани шартнома тузулгунга қадар закалат тўланган ҳисоб рақамига тўлаб бериши шарт, шунингдек, **ХИИ «Ўзиккиламчранглиметалл» АЖнинг** ускунаси бўйича савдо ғолибига савдо ташкилотчиси учун тўланадиган сотилиш нархидан **1 (бир)** фоиз миқдорда комиссион тўловни алоҳида қоплаб бериш мажбуриятлари юклатилади.

Мазкур ускуна ва автомототранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу ускуна ва автомототранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат **15-00да** бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 233-23-40; телефакс: (71) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2019 йил 23 май куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «УЗМОБАЙЛ» филиали балансидаги д/р 01/354TBA бўлган «ГБА СПГ ДАМАС» – 16 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА«

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Mahmud TOIR, Qalandar ABDURAHMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Shuhrat JALILOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), To'lqin TO'RAXONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 651. 4411 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:55.
Topshirilgan vaqti — 03:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
Газетанинг электрон сахифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.
12 456